КПСС XXIII СЪЕЗДИ ШАРАФИГА

УЛКАН ҒАЛАБА БЎСАҒАСИДА

Бутун дунё пролетарлари, бирлашингиз!

СОВЕТ ЎЗБЕКИСТОНИ

ЎЗБЕКИСТОН КОМПАРТИЯСИ МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИ, ЎЗБЕКИСТОН ССР ОЛИЙ СОВЕТИ ВА МИНИСТРЛАР СОВЕТИНИНГ ОРГАНИ

«СОВЕТ УЗБЕКИСТОНИ» — ОРГАН ЦЕНТРАЛЬНОГО КОМИТЕТА КОМПАРТИИ УЗБЕКИСТАНА, ВЕРХОВНОГО СОВЕТА И СОВЕТА МИНИСТРОВ УЗБЕКСКОЙ ССР

47 йил чиқиши
№ 255 (13.211).
30 октябрь 1965 йил
Шанба
Баҳоси 2 тийин.

ХОРАЗМ РЕКОРДИ

УРГАНЧ, (**«Совет Узбекистони мухбири»**). Серқуёш республика маррага етиб келаётган шодиёна дамларда машъал Хоразм оширилган социалистик мажбуриятини бажариб, она-Ватанга 320 минг тонна «оқ олтин» армуғон этди. Ҳар гектар майдондан 32 центнердан пахта олиб, ҳосилдорликда янги рекорд қўйилди. Область давлатга пландагидан 30 минг тонна кўп, ўтган йилнинг шу давридагига қараганда 95 минг тонна зиёд пахта етказиб берди. Ҳосилнинг деярли ҳаммаси биринчи сортларга сотилди. 62 минг тонна пахта машиналарда терилди.

Область пахтакорлари республиканинг 3 миллион 650 минг тоннали улкан хирмонига яна 30 минг тонна пахта билан ҳисса қўшиш, мамлакатга 350 минг тонна пахта етказиб бериб ҳосилдорликни 35 центнерга етказиш мажбуриятини олдилар.

Республика колхозлари давлатга пахта сотиш планини бажардилар

Республикамиз колхоз далаларининг меҳнаткашлари КПСС Марказий Комитети март Пленумининг тарихий қарорларини амалга ошириш ва пахтадан мўл ҳосил етиштириш йўлида йил бўйи қилган фидокорона меҳнатлари жуда яхши самара берди. Колхозлар сектори давлатга пахта сотиш йиллик планини муддатидан илгари ошириб адо этди. Она-Ватанга 2 миллион 754 минг 857 тонна пахта топширилди. Бу, ўтган йилнинг шу муддатигача тайёрланган пахтага нисбатан 671 минг 999 тонна кўпдир.

Шонли колхозчиларимиз Улуғ Октябрнинг 48 йиллиги ва КПСС XXIII съезди шарафига меҳнат вахтасида туриб, ҳосилнинг қолган қисмини ҳам тезроқ йиғиб-териб олиш ва келгуси йил мўл ҳосили учун пухта замин яратиш, республикамизнинг 3 миллион 650 минг тоннали улкан хирмонига яна минглаб тонна «оқ олтин» тўкиш учун курашни давом эттирмоқдалар.

ЗАФАР сатрлари

Андижон соҳибкорлари узум сотиш йиллик планини бажардилар. Боғлардан ўн тўрт минг тонага яқин узум узиб олинди. Наманган райони токзорларининг меҳнаткашлари шундан олти минг тоннадан ортиғини беришди.

●

Хоразм полизчилари ғалаба маррасига етиб келдилар. Область қишлоқ хўжалик меҳнаткашлари Улуғ Октябрнинг 48 йиллиги шарафига зардоб вахтада туриб ишлаб, 1965 йилги қовун-тарвуз сотиш топшириғини муваффақиятли бажардилар. Тайёрлов пунктлари хўжаликлардан 7 минг тонна полиз маҳсулоти олди.

Соҳибкорлар ҳам йиллик планни бажаришди.

СЪЕЗДГА СОВҒА

ТОШКЕНТ ОБЛАСТЬ САБЗАВОТКОРЛАРИНИНГ АЖОЙИБ ЗАФАРИ

Тошкент область қишлоқ хўжалиги меҳнаткашлари давлатга сабзавот ва полиз экинлари маҳсулоти, мева ҳамда узум сотиш юзасидан берияган йиллик планни муддатидан олдин — 28 октябрда муваффақиятли бажардилар.

Областнинг колхоз ва совхозлари давлатга 144,3 минг тонна сабзавот топширдилар ёки планни 100,9 процент бажардилар. 58,1 минг тонна полиз экинлари маҳсулоти етказиб берилди ёки йиллик план 113,8 процент адо этилди. 14 минг тонна мева сотилди ёки йиллик план 126,8 процент қилиб бажарилди. 36 минг тонна узум йиғиб олинди ёки йиллик план 117 процент адо этилди.

Давлатга ўтган йилга нисбатан 19,3 минг тонна сабзавот, 4422 тонна полиз экинлари маҳсулоти, 6 минг тонна мева ва 14 минг тонна узум кўп сотилди.

Мўл ҳосил етиштиришда кўпгина районлар, колхозлар ва совхозлар яхши кўрсаткичларга эришдилар.

Область матлубот кооперациясининг коллективи сентябрь ойининг охиридаёқ сабзавот сотиб олиш йиллик планини бажарди.

Комплекс механизациялашган звено ва бригадаларнинг аъзолари фидокорона меҳнат қилдилар. Улар кўл меҳнатини камайтириш, маҳсулот таннархини арзонлаштириш учун курашдилар.

Шу кунларда областнинг сабзавот етиштирувчи колхоз ва совхозлари кечки карам, сабзи ва картошка ҳосилини йиғиштириб олиш ва давлатга топширишни давом эттирмоқдалар. Шу билан бир қаторда улар кузги-қишки тадбирларни намунали ўтказиб, келгуси йил мўл ҳосили учун мустаҳкам замин тайёрламоқдалар.



Андижон область, Москва районидаги Свердлов номли колхознинг моҳир механизатори коммунист Маматқул Солмонов мавсумда 150 тонна пахта теришга сўз берган. У шу кунларда ҳам машина бункеридан 4-5 тонна пахта тўкмоқда. Суратда: ўртоқ М. Солмонов.

С. Безносов фотоси.

ҚОРАҚАЛПОҚ АРМУҒОНИ

АВТОНОМ РЕСПУБЛИКА ДАВЛАТГА ПАХТА СОТИШ ПЛАНИНИ БАЖАРДИ

Қорақалпоғистон Автоном республикасининг қишлоқ хўжалик меҳнаткашлари пахта тайёрлаш давлат планини жуда қисқа муддатда, ўтган йилдагидан бир ой илгари бажардилар.

Тайёрлов пунктларига 224 минг тонна ёки 1964 йилнинг шу муддатидагига нисбатан 91,3 минг тонна кўп пахта топширилди. Тайёрланган пахтанинг 93 процента биринчи сортларга қабул қилинди. Машиналар билан 52 минг тонна ёки ўтган йилнинг шу муддатидагига нисбатан икки баравар кўп пахта терилди.

Эришилган бу муваффақиятлар — КПСС Марказий Комитети март Пленуми қарорларини амалга ошириш учун олиб борилган курашнинг натижасидир. Давлат колхоз ва совхозларга кўрсатган катта ёрдам, пахтакорларнинг, қишлоқ хўжалик ва сув хўжалиги мутахассисларининг фидокорона меҳнати, пахта етиштиришнинг прогрессив усуллари кенг қўлланилганяиги, партия, совет, касаба союз ва комсомол ташкилотлари олиб борган кенг миқёсдаги ташкилотчилик ва сиёсий ишлар барча колхоз ва совхозларда пахтадан мўл ҳосил етиштириш имконини берди.

Пахта тайёрлаш давлат планини муддатидан илгари бажарган ва ҳозир пландан ташқари пахта топшираётган Тўрткўл, Беруний, Амударё ва Ҳўжайли районларининг пахтакорлари катта муваффақиятларга эришдилар.

Бу йил Тўрткўл районидаги «Коммунизм», Димитров номли, Ильич номли колхозлар ҳар гектар ердан 33-35 центнердан ҳосил териб олиб, айниқса яхши кўрсаткичларга эришдилар. Шунингдек, Амударё районидаги Крупская номли, «Ленинизм», Беруний районидаги Орженикидзе номли, Киров номли колхозлар, «Узбекистон ССР 40 йиллиги», Ленин номли, Энгельс номли совхозлар ва бошқа хўжаликларда ҳам пахтадан мўл ҳосил етиштирилди. Ильич номли колхоздан Юсуф Абдуллаев, «Коммунизм» колхозидан Шарифбой Разжаббоев, Орженикидзе номли колхоздан Ражаббой Султонов ўртоқлар бошлиқ бригадалар ҳар гектар ердан 50 центнердан зиёд пахта олдилар. Комплекс механизациялашган юзлаб бригада ва звеноларда гектаридан 30-35-40 центнер ва ундан кўпроқ ҳосил кўтарилди.

Пахта тайёрлашни муваффақиятли олиб боришда терим техникаси ва дефолиация ўз вақтида ўтказилганлиги катта роль ўйнади. Далаларда 1500 «зангори кема» ишлади. Киров номли совхознинг механизаторлари етиштирилган ҳосилнинг 64 процентини, Энгельс номли совхознинг механизаторлари 46 процентини ва Ленин номли совхознинг механизаторлари 44 процентини машиналарда териб бердилар.

Пахта териш машиналарининг механик-ҳайдовчилари — «Манғит» совхозидан Ерке Абдуллаев, Беруний районидаги «Правда» колхозидан Знёд Утениёзов, Тўрткўл районидаги «Коммунизм» колхозидан Самандар Раҳмонов, «Халқобод» совхозидан Тўраниёз Абдрешмов ва бошқа ўртоқлар яхши меҳнат қилдилар. Улар мавсумда машина билан 100-120 тоннадан пахта тердилар.

Шаҳарларнинг меҳнаткашлари, студентлар ва мактаб ўқувчилари ҳосил йиғим-теримида катта ёрдам кўрсатдилар.

Автоном республика пахтакорлари Улуғ Октябрнинг 48 йиллиги ва КПСС XXIII съездини муносиб кутиб олиш учун социалистик мусобақага қўшилиб, давлатга пландан ташқари яна 26 минг тонна пахта топшириш мажбуриятини олдилар.

Автоном республика хўжаликларида давлатга бошқа қишлоқ хўжалик маҳсулотлари сотиш планларини бажариш, келгуси йил ҳосили учун кузги ишларни ўз вақтида ўтказиш ва чорва молларининг қишдан тўқ чиқишини таъминлаш юзасидан қизғин иш олиб борилмоқда.

ТЎНҒИЧ ХИМИЯ КОРХОНАСИ

ЧИРЧИҚ ЭЛЕКТРОХИМИЯ КОМБИНАТИНИНГ 25 ЙИЛЛИГИ

— Корхонангиз қутлуғ йўлни босиб ўтди, унинг ишга тушганига 25 йил тўлди. Шу давр ичида корхонада қандай ўзгаришлар бўлганлигини сўзлаб беролмайсизми? — «Совет Узбекистони»нинг мухбири Чирчиқ электрохимия комбинатининг директори ўртоқ Воҳид Қодировга шундай савол билан мурожаат қилди.

— Бу ҳақда сўзлаш мен учун жуда мароқли,— дейди ўртоқ Қодиров.— Чунки ўзим ҳам олий ўқув юрти дипломини олиб дастлаб шу корхонада ишни смена бошлиқлигидан бошлаганман. Унинг юксалиш одимлари, комбинатда бўлган ўзгаришлар, қишлоқ хўжалигимизнинг юқори сифатли минерал ўғитларга бўлган эҳтиёжини қондириш учун олиб борилган шиддатли кураш сафларида шу топда кўз олдимдан бирма-бир ўтиб турибди.

Октябрь инқилобидан аввал Россиянинг тараққийпарвар олимлари ҳам Чирчиқ дарёси энергетика ресурсларига ҳавас билан боққанлар. Уни ўрганганлар. Бу дарё Ўзбекистон энергетикасининг юксалиши учун база бўлиб хизмат қилишини кўрсатиб берганлар. Бироқ, Совет ҳокимияти давридагина бу орзу рўёбга чиқди. 1923 йилда ҳукумат топшириғига биноан Чирчиққа қидирув-разведка экспедицияси келди. Бу экспедицияга мамлакатимизнинг таниқли энергетиги академик И. Г. Александров ишбошилик қилди.

Чирчиқ дарёси энергетика ресурсларини ўрганиш учун жадал кураш бошланиб кетди. Шу билан бирга, унинг энергиясини истеъмол қиладиган корхоналарнинг лойиҳаларини ишлаб чиқишга ҳам киришилди. Ўрта Осиё республикалари мамлакатнинг асосий пахта базаси эканлиги назар-эътиборга олиниб, бу ерда азот ўғитлари ишлаб чиқарадиган корхона қуришга киришилди. Қурилишга тажрибали инженерлар ва малакали ишчилар сафарбар этилди. Совет мутахассислари олдида мураккаб, аммо шарафли вазифа турарди. Корхонамиз ҳимия фани ва техникасининг янги қўлга киритилган ютуқлари асосида барпо этилиши, жуда такомиллаштирилган энергетика ускукалари билан жиҳозланиши керак эди. Корхонамиз тиклаиадиган район атрофида ГЭСлар, уй-жой бинолари қурилди. Салор-Бараж оралиғида 50 километр узунликдаги темир йўл ва тош йўл қуриб битказилди. Улар қурилиш объектларини бинокорлик материаллари билан таъминлаб туришга хизмат қилди.

... Бинокорларнинг қаҳрамонона меҳнатлари натижасида корхона белгиланган муддатда қуриб битказилди. Чирчиқликлар Улуғ Октябрнинг 23 йиллиги байрами қилинишн арафасида дастлабки маҳсулот — синтетик аммиак ишлаб чиқариш шарафига муяссар бўлдилар. Бу республика химия саноатининг тўнғич корхонаси — Чирчиқ электрохимия комбинатининг биринчи одими, ундан кейинги муваффақиятларининг дебочаси эди. Шундан буён мана роппа-роса 25 йил ўтди. Чорак аср мобайнида комбинатимиз мисли кўрилмаган даражада кенгайиб кетди. Кишиларимиз ҳам жуда ўзгарди. Ўша вақтда корхонада олий маълумотли инженерлар бармоқ билан санарли бўлган бўлса, ҳозир 303 олий маълумотли ва 773 ўрта техника маълумотига эга бўлган мутахассислар ишлаб чиқариш жараёнларини моҳирлик билан бошқармоқдалар.

Ҳозирги кунда комбинат минерал ўғитлар цехининг бошлиғи бўлиб ишлаётган Омон Илёсов бу ерга 25 йил аввал келган қалдирғоч мутахассислардан бири. У ишлаб чиқаришни такомиллаштириш, техникани тараққий эттириш, маҳсулот тайёрлаш ҳажмини кўпайтириш учун олиб борилган курашлар бўронида чиниққан ишлаб чиқариш командири. Кекса гвардия билан ёнма-ён ўниб, юзлаб ишлаб чиқариш илғорлари ҳам баракали меҳнат қилмоқдалар. Коммунистик меҳнат мусобақасининг илғорлари: метан конверсияси цехининг смена бошлиқлари Николай Бузикин, Гулом Дадабоев ўртоқларни бутун корхона механизаторлари ҳурматиззат қилишади. Карбамид цехининг старший машинисти Жанабой Отабоев, оператор Йўлдош Мажидов каби ёш, аммо ишлаб чиқаришда алоҳида ташаббус кўрсатиб меҳнат қилаётган кишилар билан коллективимиз ҳақли равишда фахрланади.

Ижодкор ишчиларимиз, инженер-техник ходимларимизнинг тиним билмай меҳнат қилиши натижасида техникани тараққий эттириш, маҳсулот ишлаб чиқаришни кўпайтириш, таннархини арзонлаштириш, ускуналар қувватидан самарали фойдаланиш соҳасида янгидан-янги муваффақиятлар қўлга киритилди. Буларнинг жами корхона ишлаб чиқаришини кенгайтириш, дехконларимизга арзон, ҳосилдорликни оширишда сертаъсир минерал ўғитлар етказиб беришни кўпайтиришга имкон берди. 1961 йил 14 октябрда комбинат меҳнаткашлари яна бир муҳим тадбирни амалга оширдилар: корхона Бухоро табиий гази асосида ишлай бошлади. Ўша йилнинг охирига бориб комбинатда ҳамма жараёнлар газ билан ишлашга кўчирилди. Бу эса ҳар йили корхонага қарийб 4 миллион сўм фойда келтирмоқда. Ишлаб чиқариш участкаларини газлаштириш учун кетган ҳамма харажатлар жуда тез — бир ярим йил ичида қопланди. Шунингдек, маҳсулот ишлаб чиқариш жараёнларини такомиллаштириш эвазига 1963 йилда аммиак таннархи қувватлари 1958 йилдагига нисбатан 1.7 баравар ортди.

Юксалиш саҳифаларини варақлаган билан адо бўлмайди. Энди улардан энг муҳимлари ҳақида тўхтаб қўяқолай. Бу йил маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажми 1940 йилдагига қараганда бир неча ўн баравар кўпайди. Корхонамизнинг асосий маҳсулоти ҳисобланган аммиак селитраси таннархи ҳажми бир неча баравар ортди. 1947 йилгача корхонамиз давлатга зарар келтириб ишлаган бўлса, 1948 йилдан бошлаб рентабель корхоналар қаторига қўшилиб олди. Кейинги йилларда эса комбинатимизнинг ишлаб чиқариш-техника кўрсаткичлари жадаллик билан юксалиб кетди. Мана бугун — юбилей кунида мамлакатга 60 миллион сўмдан ортиқ фойда етказиб турганлигимизни қайд қилиб ўтмоқчиман.

Чирчиқ электрохимия комбинати зидигина чорак асрлик даврнинг босиб ўтди. Аммо бу давр мобайнида корхонамиз бениҳоя даражада кенгайди. Химикларимиз пахтачилигимизни юксалтиришга ҳисса қўшаётганликлари — далаларимизга эшелон-эшелон минерал ўғитлар етказиб бераётганликлари билан фахрлансалар арзийди.

ЎЗБЕКИСТОН ССР ОЛИЙ СОВЕТИ ПРЕЗИДИУМИДА

Кўп йил нуқсонсиз ишлаганлиги учун ҳамда Чирчиқ электрохимия комбинати ишга туширилган кунининг 25 йиллиги муносабати билан комбинатнинг бир группа ходимлари Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг Фармонига биноан, Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг Фахрий ёрлиғи билан мукофотландилар.

СССР ОЛИЙ СОВЕТИ ПРЕЗИДИУМИНИНГ ФАРМОНИ

ЎРТОҚ А. А. АНДРЕЕВНИ ЛЕНИН ОРДЕНИ БИЛАН МУКОФОТЛАШ ТЎҒРИСИДА

Коммунистик партия ва Совет давлати олдидаги хизматлари учун ҳамда туғилган кунига етмиш йил тўлганлиги муносабати билан ўртоқ Андрей Андреевич **Андреев Ленин** ордени билан мукофотлансин.

СССР Олий Совети Президиумининг Раиси
А. МИКОЯН.

СССР Олий Совети Президиумининг Секретари
М. ГЕОРГАДЗЕ.

Москва, Кремль, 1965 йил 29 октябрь.

«ПАХТАОРОЛ» РАПОРТИ

ГУЛИСТОН, («Совет Узбекистони» махсус мухбиридан телефон орқали). Сирдарё областидагина эмас, республикамизда ҳам энг гигант хўжалик — «Пахтаорол» совхозининг азамат деҳқонлари ўтган куни шонли маррага етиб келишди.

— 18.200 тонна «оқ олтин» тайёр! Давлат хазинасига тағин камида 1800 тонна пахта топширамиз! — деяпти совхоз коллектив.

Ҳозиргача ғарам қилинган «оқ олтин»нинг 65 процентн машинада териб олинди. Омон Нуров, Фотима Уринбоева, Николай Дёмин сингари дала гвардиячиларининг ҳар бири катта хирмонга бункерлардан 130-160 тоннадан пахта тўкди.

Социалистик Меҳнат Қаҳрамони Нурмуҳаммад Есентоев бошқарувчи бўлган бўлимда 1230 гектар майдоннинг ҳар гектаридан 34 центнердан ҳосил кўтарилди. Пётр Сергеевич Дорохов раҳбар бўлган бўлимда йиллик план 120 процентга етди.

Совхоз директори ўртоқ Жўра Хоназаров гигант коллектив давлатга 2200 тонна сут, 550 тонна гўшт, кўплаб дон, пилла, сабзавот, қовун-тарвуз, мева-чева ва бошқаноз-неъматлар етказиб берганлигини айтди.

КПСС XXIII съездини муносиб кутиб олишга отланган совхоз деҳқонлари келгуси йил мўл ҳосили учун курашни ҳам қизғинроқ юборадилар: бошқа экинлардан бўшаган 1000 гектар ер шудғор қилинди, шўрхок ерларнинг шўри ювилаётир.

Пахтаоролликлар совхозни Мирзачўл воҳасининг машъал хўжалигига айлантириш учун мардона меҳнат қиляптилар.

ПЛАН БАЖАРИЛДИ

Қорақалпоғистон чорвадорлари жун сотиш планини бажариб, Улуғ Октябрь байрамига яхши меҳнат совғаси тайёрладилар. Маҳсулот тайёрловчилар Устюрт ясси тоғлиги, Жанги дарё ва бошқа массивлардаги узоқ яйловлардан жунни қабул қилиб олиб келишда катта иш кўрсатдилар. Улар 11500 центнер сифатли жун келтирдилар. (ЎзТАГ).

29 ОКТЯБРГАЧА „ОҚ ОЛТИН“ ХИРМОНИ

Республикада пахта тайёрлашнинг бориши

(Планга нисбатан процент ҳисобида. биринчи стун — областлар, иккинчи стун — бир кунда тайёрланган пахта, учинчи стун — мавсум бошидан, тўртинчи стун — бир кунда машинада терилган пахта, бешинчи стун — мавсум бошидан).

ХОРАЗМ	0,87	110,06	0,78	81,70
ТОШКЕНТ	0,24	109,90	0,07	112,05
САМАРҚАНД	0,26	103,43	0,09	73,91
СУРХОНДАРЁ	0,38	102,85	—	96,07
Фарғона	0,41	98,93	0,10	91,57
Қашқадарё	0,20	98,33	—	37,05
Қорақалпоғистон АССР	1,20	98,13	0,58	73,59
Андижон	0,32	94,99	0,13	80,23
Бухоро	0,42	94,33	—	27,46
Сирдарё	0,27	90,38	0,06	107,70
Ўзбекистон ССР бўйича:	0,42	99,16	0,16	86,00

Республикада 28 октябрь куни 13.083 тонна пахта тайёрланди.

ҲУРМАТ тахтаси

Давлатга пахта сотиш планини муддатидан илгари бажарганликлари учун республика ҲУРМАТ ТАХТАСИГА ёзиладилар

Сурхондарё областидаги **ЖАРҚУРҒОН РАЙОНИ** (район партия комитетининг секретари ўртоқ **Ч. Алматов**, район ижроия комитетининг раиси ўртоқ **Ч. Боймуродов**, район қишлоқ хўжалик бошқармасининг бошлиғи ўртоқ **А. Курбонов**, район комсомол комитетининг секретари ўртоқ **Ю. Норқулов**, «Узсельхозтехника» район бирлашмасининг бошқарувчиси ўртоқ **И. Григоров**).

Хоразм областидаги **ГУРЛАН РАЙОНИ** (район партия комитетининг секретари ўртоқ **Х. Раҳимов**, район ижроия комитетининг раиси ўртоқ **К. Уразметов**, район қишлоқ хўжалик бошқармасининг бошлиғи ўртоқ **Ш. Қурбонов**, район комсомол комитетининг секретари ўртоқ **Г. Тожимова**, «Узсельхозтехника» район бирлашмасининг бошқарувчиси ўртоқ **К. Ражаббоев**).

Фарғона областидаги **БАҒДОД РАЙОНИ** (район партия комитетининг секретари ўртоқ **К. Абдуллаев**, район ижроия комитетининг раиси ўртоқ **Ж. Турақулов**, район қишлоқ хўжалик бошқармасининг бошлиғи ўртоқ **Д. Абзалов**, район комсомол комитетининг секретари ўртоқ **К. Ҳошимов**, «Узсельхозтехника» район бирлашмасининг бошқарувчиси ўртоқ **С. Аҳмадқулов**, район суғориш системалари бошқармасининг бошлиғи ўртоқ **А. Ҳамидов**).

Сирдарё областидаги **ПАХТАОРОЛ РАЙОНИ** (район партия комитетининг секретари ўртоқ **Ж. Алқанов**, район ижроия комитетининг раиси ўртоқ **П. Абувов**, район қишлоқ хўжалик бошқармасининг бошлиғи ўртоқ **П. Пак**, район комсомол комитетининг секретари ўртоқ **С. Нурденов**, «Узсельхозтехника» район бирлашмасининг бошқарувчиси ўртоқ **Б. Грек**, район суғориш системалари бошқармасининг бошлиғи ўртоқ **Ш. Тайғанов**).

ЧИЛИ ПАРЛАМЕНТ АЪЗОЛАРИ ЎЗБЕКИСТОНДА

Расмий визит билан мамлакатимизда меҳмон бўлиб турган Чили Миллат Конгресси делегацияси 29 октябрга ўтар кечаси Тошкентга келди. Узбекистонликлар делегациясини «хуш келибсиз, азиз чилилик меҳмонлар!» деган табриклар билан кутиб олишди. Депутатлар палатасининг раиси Эухенио Бальестерос делегациясига бошчилик қилмоқда. Чилининг Совет Иттифоқидаги элчиси Мансимо Пачеко Гомес Чили парламент аъзолари билан биргаликда Тошкентга келди. СССР Олий Советининг депутати И. П. Скулков мамлакат бўйлаб сафарида делегацияга ҳамроҳлик қилмоқда.

Меҳмонлар шарафига аэродром узра Чили, Совет Иттифоқи ва Ўзбекистон ССР давлат байроқлари кўтарилди. Ўзбекистон ССР Олий Совети Раисининг ўринбосари С. Р. Расулев, республика Олий Совети Президиуми Раисининг ўринбосари А. С. Абдалин, Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг секретари Р. Сахибоев, Ўзбекистон ССР Олий Советининг депутатлари З. Н. Есенбоев, М. З. Ҳамидхонов, Ҳ. Ҳ. Яҳёев, министрлар, жамоат вакиллари, журналистлар Чили вакилларини кутиб олиш учун аэропортга келишди.

Кундузи чилилик меҳмонлар Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг Раиси Е. С. Насриддинова ҳузурида бўлдилар.

Визит вақтида дўстона суҳбат бўлиб ўтди. (ЎзТАГ).

БАЛЛИ, ҚОРАҚАЛПОҒИСТОНЛИК АЗАМАТЛАР!

АМУ ДУРДОНАСИ

Қ. КАМОЛОВ,
Ўзбекистон КП Қорақалпоғистон область комитетининг биринчи секретари

● ●

Улуғ айём — Улуғ Октябрь байрами арафасида Аму соҳилининг пахтакорлари «оқ олтин» тайёрлаш йиллик плани бажарилганлиги ҳақида рапорт бердилар. Давлат хирмонларига 224 минг тонна пахта тўкилди. Автоном Республика меҳнаткашлари бу кўрсаткични 250 минг тоннага етказиш мамбуриятини олдилар. Бундай юқори ҳосилни Қорақалпоғистон тарихида ҳали ҳеч ким кўрмаган.

Бу муваффақиятларнинг ҳаммаси Коммунистик партиямизнинг қишлоқ хўжалигини ривожлантириш тўғрисида нуқ сайин кўрсатаётган ғамхўрлиги туфайли қўлга киритилди. Автоном республиканинг пахтачилигда эришган бу йилги ютуқлари ҳақида гапирар эканмиз, бошланғич партия ташкилотларининг, коммунистларнинг табиат қийинчиликларини енгишда, социалистик мусобақани кенг авж олдиришда, кишиларни ҳамиша олға бошлашда кўрсатган жанговар фаолиятини алоҳида таъкидлаш керак. КПСС Марказий Комитетининг март Пленуми қарорлари билан қуролланган Автоном республика партия ташкилоти ишлаб чиқаришни ташкил этишда, унга раҳбарлик қилишда ленинча усул ва методлардан моҳирона фойдаланди. Даставвал бошланғич партия ташкилотларининг масъулиятни оширилди, коммунистларнинг шахсан ўрнак кўрсатиб ишлаши таъминланди. Бундан ташқари, кадрларни танлаш, жой-жойига қўйиш, илғор агротехника ва фан ютуқларини ишлаб чиқаришга дадил жорий қилиш ҳам ишимизда катта роль ўйнади.

Бу йил табиат бизга унчалик сахийлик кўрсатмади. Сув ҳар қачонгидан ҳам кам бўлди. Баҳор кеч келиб, ёнгинарчилик нуп бўлди. Шунга қарамасдан, Аму соҳилининг пахтакорлари давлатимиз кўрсатаётган моддий-техника ёрдамига таяниб, ҳамма қийинчиликларни мардонавор енгдилар. Шимолий районларимиздаги каналларда сув жуда кам бўлиб, гўзани суғоришда катта қийинчиликлар туғилди. Бироқ, кучли насослар орқали ҳатто баланд жойларга ҳам сув чиқарилди. 90 минг гектар ернинг шўри ювилди. Биз ҳамма партия, совет органлари ходимларининг, колхоз ва совхозлардаги қишлоқ хўжалик мутахассисларининг бутун диққат-эътиборини пахтачилиқни ривожлантиришнинг бош проблемаларига қаратдик. Айниқса деҳқончилик маданиятини эгаллашга катта эътибор берилди. Кези келганда шуни қайд қилиб ўтиш лозимки, биз пахтачилик машъали — қўшнимиз Хоразм пахтакорларидан нуп нарсаларни ўргандик. Область партия комитетининг бюро аъзолари, район ташкилотларининг раҳбарлари совхоз директорлари, колхоз раислари қишлоқ хўжалик мутахассислари машъал Хоразмнинг донгдор пахтакорлари ҳузурида бўлиб, пахта етиштиришнинг прогрессив методларини, айниқса шўр ерларни ювишни ўргандилар. Бу эса далаларни экишга сифатли қилиб тайёрлаш, чигитни вақтида экиш, бир текисда ундириб олиш имконини берди. Шунинг учун ҳам мусобақадош хоразмлик миришкорлардан ғоят миннатдормиз.

Автоном республикада планни биринчи бўлиб бажарган Беруний райони пахтакорлари зўр шижоат кўрсатдилар. Улар ҳозир пахта ҳосилдорлигини планда кўрсатилган 23,3 ўрнига камида 30 центнерга етказиш учун курашмоқдалар. Янги Тўрткўл районининг пахтакорлари эса ҳар гектар ердан 35 центнердан «оқ олтин» сотиш иштиёқида меҳнат қилмоқдалар. Шуниси характерлики, бу район экин майдонларининг нуп қисми қўриқ ерларда жойлашган. Лекин тўрткўлликлар ана шу майдонларда ҳам юқори ҳосил етиштирмоқдалар. Амударё, Хўжайли районлари ҳам барвақт маррага етдилар.


Етти йиллик мобайнида пахтадан юқори ҳосил етиштирадиган коллективлар анча нупайди. Юзлаб бригада ва звенолар, бир қанча хўжаликлар «оқ олтин»дан рекорд ҳосил етиштирмоқдалар. Тўрткўл районидаги «Коммунизм» колхози миришкорлари гектаридан 38 центнердан, Ильич номли, Горький номли ҳамда Орженикидзе номли колхозлар эса ҳар гектаридан 35 центнердан дурдона йиғиб олдилар. Тўрткўл районидаги олтита колхоз, Беруний районидаги икки колхоз гектаридан 40 центнердан ҳосил олиш учун курашмоқдалар. Бу икки районнинг машъал пахтакорлари — Қаҳабой Сафаров, Қуриёз Каримов, Султон Отажонов, Юсуф Абдуллаев, Ҳосилбек Сержонов, Искандар Олламберганов, Ражаббой Султонов, Қурбонбой Шеримбетов бошлиқ бригадалар ҳосилдорликни 45-50 центнерга етказадилар. Шуниси ғувончлики, 32 пахтакор колхозидан 18 таси умумий ҳосилдорликни 25 центнердан оширди.

Область партия комитети ҳамма район партия комитетлари, бошланғич партия ташкилотларининг эътиборини машина теримини кучайтиришга қаратди. Механизатор кадрларни тайёрлаш, дефолиацияни ўз вақтида ўтказиш, ўзбек машинасозларининг юздан ортиқ «зангори кема» юборганлиги йиғим-терим суръатини кескин кучайтиришга ҳамда йиллик планни 55 иш кунида адо этишга имкон берди. «Зангори кема» бункерларидан ҳозирга қадар 51 минг тоннадан нуп пахта тўкилди. Бу эса ўтган йилнинг шу давридагига нисбатан уч баравар нупдир. «Пўлат от» жиловкорлари Улуғ Октябрнинг 48 йиллик байрамига қадар машина терими кўрсаткичини 70 минг тоннага етказишмоқчи. Илғор хўжаликларнинг тажрибаси шуни кўрсатадики, машина терими йиғим-теримни қисқа муддатда ўтказишга имкон беришга қолмасдан, балки меҳнат, маблағ сарфларини кескин камайтиради. Чунончи, Қўнғирот районидаги Киров номли совхоз ялпи ҳосилнинг 60 процентини машиналар ёрдамида териб, давлатнинг 160 минг сўм маблағини тежаб қолди. Шунингдек, Тўрткўл районидаги Энгельс номли, Ленин номли, Ждаков номли, «Кегайли» совхозлари, Максим Горький номли, «Коммунизм» колхозларида ҳам машина терими кенг қўлланилганлиги туфайли кўплаб маблағ иқтисод қилинди. Автоном республиканинг машина билан «оқ олтин» теришда шуҳрат қозонган ажойиб машъаллари бор. Самандар Раманов, Разум Матниёзов, Зиёда Утениёзова, Анор Нуруллаева, Ерке Айтбаев, Ерке Абдуллаев, Утемурод Урозбоев каби механик-ҳайдовчилар мавсумда 100-120 тоннадан «оқ олтин» теришди.

Пахтачиликни комплекс механизациялаштиришда илғор тажрибалар кенг қўлланилди. Айниқса биз Тошкент области механизаторларидан нуп нарса ўргандик. Бизга Валентин Тюпко, Жавод Кўчиев, Мамажон Дадажонов, Қурбон Кенжаев каби машҳур механизаторлар келишди ҳамда ўз тажрибаларини бажонидил ўртоқлашдилар. Илғорлар тажрибаси асосида областда ташкил этилган 658 та комплекс-механизациялаштирилган бригада ва звено эришган муваффақият техниканинг ғоят зўр афзалликларидан далолат бериб турибди. Масалан, Тўрткўл районидаги «Намуна» колхозининг Сора Нурмаханова бошлиқ бригадасида ҳамма ишлар машиналар гарданига юкланганлиги туфайли бир центнер пахтанинг таннархи 15 сўм 68 тийинга тушди. Тўраниёз Абдураимов бошлиқ звенода эса ҳар бир киши бошига 12 тоннадан пахта етиштирилди. Максим Горький номли совхоздан Турсуной Жуматова, Хўжайли районидаги Ленин номли колхоздан Ойим Ортиқбоева бошлиқ звеноларда ҳам юз меҳнат сарфлаб, нуп пахта етиштирилди.

Область партия комитети кадрларнинг ўқишига катта эътибор беряпти. Айниқса уларга маҳаллий масалаларни ҳал қилишда кенг эркинлик берилиши ташаббускорликни, ижодкорликни оширмоқда. Хўжаликлардаги партия ташкилотлари қишлоқ хўжалик мутахассисларининг малакасини ошириб бормоқда. Уларга талабчанликни кучайтирмоқда. Биз бундан бўён ҳам кадрларни тарбиялашни, топширилган иш учун уларда масъулиятни оширишни давом эттирамиз. Партия ташкилотларининг диққат-эътибори бундан кейин ҳам экономика масалаларига, қолоқ хўжаликларни илғорлар даражасига кўтаришга қаратилади.

Улуғ Октябрь байрами яқинлашиб келмоқда. Шаҳар, қишлоқларнинг меҳнаткашлари шу байрам вахтасида туриб ишламоқдалар. Пахтакорлар қолган ҳосилни йиғиб-териб олиш, келаси йил мўл ҳосилига пухта замин тайёрлаш билан банд. Орденли Қорақалпоғистон пахтакорлари КПСС Марказий Комитетининг сўнгги Пленумлари қарорларидан руҳланиб, жонажон партиямизнинг XXIII съездини муносиб кутиб олиш иштиёқида меҳнат қилмоқдалар. Ҳеч шак-шубҳасиз Автоном республика пахтакорлари давлатга қўшимча равишда «оқ олтин» сотиш юзасидан олган мажбуриятларини ҳам шараф билан адо этадилар. Аму соҳили дурдонасини қабул қилиб ол, Ватан!



Социалистик Меҳнат Қаҳрамони Шомурод ота Мусаевни Қорақалпоғистон АССРдагина эмас, балки республикамизда ҳам танимайдиган киши нам бўлса керак. Пахтачиликни ривожлантиришга ҳар йили муносиб ҳисса қўшаётган бу отахон Чимбой районидаги «Кенес» совхозида 24 гектар ернинг ҳар гектаридан 60 центнердан ҳосил кўтарди.

МАШИНА — ҚАНОТИМИЗ

Ж. УРАЗИМБЕТОВ,
Беруний районидаги «Коммуна» колхозининг механик-ҳайдовчиси, СССР Олий Совети депутати.

● ● ●

Эндиликда ҳамма пахта териш машиналарининг қудратли кучига қойил қолмоқда. Чунки терим машиналари моҳир қўлларда унумли ишлаб, пахтакорнинг мушкулини осон қилмоқда. «Зангори кема»ларда терилган ҳосилнинг ҳаммаси биринчи сортга ўтиб, хўжаликларнинг бойлигига бойлик қўшилмоқда. Буни бизнинг колхозимиз мисолида ҳам яққол кўриш мумкин. Колхозимизда бу йил машиналарда терилган 4396 тонна пахтанинг ҳаммаси биринчи сортларга қабул қилинди. Колхозимиз ҳосилни машинада теришдан кетта фойда кўрмоқда.

Колхозимизнинг механик-ҳайдовчилари бу йил ҳар йилгидан ҳам фидокорона меҳнат қилдилар. Шу кунга қадар машина бункеридан 93 тонна «оқ олтин» тўкдим. Ҳар куни 3-3,5 тоннадан пахта теришга муваффақ бўлмоқдаман. Механизаторларимиз колхозимизнинг пахта тайёрлаш йиллик планини муддатидан илгари оширишга муносиб ҳисса қўшдилар. Биз, механик-ҳайдовчилар ҳосилни машиналарда териш юзасидан олган мажбуриятимизни оширишга бажариш учун тинмай курашамиз.

Ҳали далаларимизда ҳосил мўл. Механизаторларнинг куч-ғайрати чаноқларда дон грамм ҳам пахта қолдирмасдан тезроқ йиғиштириб олишга ва Улуғ Октябрь социалистик революциясининг 48 йиллик байрамига муносиб туҳфа тайёрлашга қаратилган. Далалардаги ҳосилни тезроқ саранжом-сариштлаб олиш билан бирга, келгуси йил ҳосилига ҳам пухта замин яратиш учун тинмай курашамиз. Ҳосилдан бўшаган ерларни пешма-пеш шудгорлай бошлаймиз. Барча агротехника тадбирларини ўз вақтида амалга ошириш учун курашамиз.

КОММУНИСТЛАР БОШ БЎЛГАЧ...

Н. ШУНБОЕВ,
Беруний районидаги «Ўзбекистон ССР 40 йиллиги» совхози партия ташкилотининг секретари.

Автоном республика меҳнаткашлари Октябрь байрамини яхши туҳфа билан кутиб олдилар. Пахта тайёрлаш давлат плани барвақт бажарилди. Бунга совхозимиз биринчи навбатда ҳисса қўшдилар.

Шу кунгача давлат омборларига 3000 тоннадан зиёдроқ «оқ олтин» тўкиб, планни Қорақалпоғистонда биринчи бўлиб адо этдик. Мўл ҳосил учун курашда совхоз коммунистлари алоҳида ўрнак кўрсатдилар. Улар ўтган йил куз фаслидан бошлаб, то ҳозирги дамларгача социалистик мусобақанинг ташкилотчилари бўлдилар, ҳамиша илғорлар сафида бордилар. Коммунистлар ўз тажрибаларини бошқаларга сахийлик билан ўргатдилар. Пахта етиштиришнинг ҳал қилувчи участкаларида катта жонбозлик кўрсатдилар. Булар пировардида дуруст самара берди.

Бўз ерларда пахтадан юқори ҳосил етиштириш учун агротехника тадбирларини изчиллик билан амалга оширишга тўғри келди. Бу ишда ҳам коммунистларнинг тутган ўрни катта. «Қизил Ўзбекистон» бўлими ишчилари — коммунистларнинг, барча меҳнаткашларнинг бир тан, бир жон бўлиб ишлаши туфайли совхоз хирмонига барака кейинги вақтларда ҳар куни йиллик планнинг 5-7 процентини миқдорида пахта тайёрланди. Бўлим пахтакорлари совхоз дирекцияси ва партия ташкилотининг кўмак Қизил байроғини ҳамон қўлда сақлаб турибдилар.

Йиғим-терим даврида машиналар кучига таянганлигимиз жуда қўл келди. Планнинг муддатидан илгари бажарилишига даставвал «зангори кема» капитанларининг қўшган ҳиссаларини таъкидламоқ керак. Саодат Реимбоева, Жангил Тожиева, Гулсора Пирназарова сингари моҳир механик-ҳайдовчиларимиз ҳозиргача 75-103 тоннадан пахта териб бердилар.

Кўпминг килограммчилар ҳаракатига ҳам коммунистлар бошчилик қилдилар. 45 коммунист ва 130 комсомол аъзоси теримда алоҳида жасорат кўрсатди. Тожи Убайдуллаева, Қизларгул Қулбоева, Тоғагул Исмоилова каби чевардимизлар вақт билан ҳисоблашмай, пахта теришди. Уларнинг ҳар бири кунига 8-12 тоннадан дурдона тўкди.

Меҳнаткашлар ўртасида ташкилотчилик ва оммавий-сиёсий ишлар савиясининг ҳар қачонгидан ҳам яхшиланганлиги терим суръатининг тезлаштирилишига яхши таъсир кўрсатди. 26 бригаданинг ҳаммасида агитаторлар мунтазам ишлаб турди. Улар пахтакорларимизни меҳнатда янги зафарлар сари руҳлантира олдилар. Шуларнинг ҳаммаси ишимизга катта мадад берди.

Ҳозир байрам вахтасида турибмеҳнат қиляпмиз. Пландан ташқари яна 900 тонна пахта сотмоқчимиз. Шу билан бирга КПСС XXIII съезди шарафига социалистик мусобақани кучайтириб, келаси йил мўл ҳосилига ҳам пухта замин ҳозирлаяпмиз.

МУВАФФАҚИЯТ ГАРОВИ

Б. ҚУРБОНОВ,
Хўжайли районидаги «Коммунизм» колхозининг раиси.


Партиямизнинг XXIII съезди ва Улуғ Октябрнинг 48 йиллиги шарафига бошланган социалистик мусобақага қўшилган колхозимиз аъзолари қорақалпоқ элининг пахтакорлари эришган улкан ғалабага муносиб ҳисса қўшдилар. Улар 850 гектар майдондан давлатга пландаги 1500 тонна ўрнига 1750 тонна «оқ олтин» сотиб, планни анча ошириб адо этдилар.

Хўжалигимиз илғари қолоқ эди. Сўнгги икки йил давомида пахта ва бошқа экинлардан мўл ҳосил олинаяпти, чорвачилик тобора ривожланиб бормоқда. Бинобарин, олинаётган даромад ҳам кўпайиб боряпти. Бу йилги даромадимиз ҳозиргинг ўзидаёқ 666 минг сўмга етди. Давлатга ўтган йилдагига қараганда 620 тонна нуп пахта топширилди ва шу ҳисобдан 140 минг сўм ошиқча даромад олинди.

Далада ҳали пахта нуп. худди териб олинмагандек. Ҳар гектар ердан яна камида 13 центнердан пахта териб олиб, давлатга тағин 1000 тонна «оқ олтин» сотишни мўлжаллаяпмиз. Зиммага олинган қўшимча мажбурият ҳам бажарилса. ҳосилдорлик гектар бошига 30 центнерга етади. Шунда даромадимиз тағин 340 минг сўм ошади.

Ҳосилдорликнинг ошиши, давлатга кўпроқ аъло сифатли «оқ олтин» сотилиши колхозчиларнинг моддий манфаатдорлигини оширишга олиб келмоқда. Буни қуйидаги мисолдан яққол кўриш мумкин. Тожимурод Ўтамбетов бошлиқ бригада ўтган йили 61.800 сўм даромад қилган бўлса, бу йил 116 минг сўм даромад олади. Ҳар бир колхозчининг ойлик иш ҳақи ўтган йили ўрта ҳисобда 140 сўмни ташкил этган бўлса, бу йил 190 сўмга етади.

Колхозимиз аъзолари КПСС Марказий Комитети март Пленуми тарихий қарорларини амалга ошириш учун курашни давом эттириб, пахтачилик ва хўжаликнинг бошқа тармоқларини бундан буён ҳам илдам қадамлар билан юксалтираверадилар.



Ерке Абдуллаев Амударё районидаги «Манғит» совхозининг моҳир механизаторларидан. У ҳозиргача машина бункеридан 100 тонна пахта тўкди. Суратда: ўртоқ Е. Абдуллаев.

Р. Саидов фотолари.

БАРАКАЛЛА, АЗАМАТЛАР

Бу йил баҳорнинг ўта инжиқ келганлиги ҳаммага маълум. Ерга чигит ташланаётган кунларда ҳавонинг гоҳ иситиши, гоҳ ҳароратнинг кескин пасайиб кетиши деҳқонларни анча ташвишга солди. Талайгина қийинчиликларни енгиб ўтишга тўғри келди.

Лекин сиз азамат деҳқонлар, фидокор ўғил-қизларим, табиат инжиқликларини ажойиб меҳнатингиз билан енгдингиз, қурғоқчиликка қарши аёпларча курашиб, пахтадан мўл ҳосил етиштирдингиз.

Мен салкам юз ёшдаман. Қорақалпоқ эли пахтадан салмоқли ҳосил етиштирган серқут, сербарака йиллар гувоҳиман. Лекин, Автоном республикада бу йилгидек ажойиб воқеанинг—октябрь ойидаёқ ғалаба рапорти беришдек қувончли воқеанинг шоҳиди бўлмаган эдим. Меҳнатсевар пахтакорлар, қаҳрамон ўғил ва қизларим, элатларим, сизнинг ажойиб муваффақиятингиз биз меҳнат вегеранларини, қариялари ҳам беҳад хурсанд қилди. Шу шодиёна дақиқаларда пахта далаларининг ҳақиқий соҳиблари бўлмиш сиз азиз фарзандларимни, «зангори кема»ларнинг моҳир капитандарини чин кўнглимдан қутлайман. Хирмонга барака қўшаверинг, шоввозлар!

Бозорбой ота ЕШҚОНОВ,
Нукус шаҳри.

КЎП ВА АРЗОН

КПСС Марказий Комитети сентябрь Пленумининг қарорлари, партия XXIII съездини чақириш тўғрисидаги хушхабар колхозимиз аъзоларининг куч-ғайратини янада ошириб юборди. Улар Пленум ҳужжатларидан бениҳоя руҳланганлари ҳолда фидокорона меҳнат қилиб, терим суръатини кундан-кунга жадаллаштирдилар. Партия XXIII съезди ва Октябрь революциясининг 48 йиллиги шарафига бошланган социалистик мусобақа ўз кучини кўрсатди. Пахта тайёрлаш йиллик планини 15 октябрдаёқ муваффақиятли бажардик. 1320 гектар ернинг ҳар гектаридан давлатга 25 центнердан «оқ олтин» топширдик.

Ражаб Раҳимов, Тожибой Ешниязов ўртоқлар бошлиқ бригадалар ҳосилдорликни оширишда бошқаларга намуна бўлдилар. Улар аввалги мажбуриятларини колхозда биринчи бўлиб

Ойим КАМОЛОВА,
Амударё районидаги Крупская номли колхоз раиси, Социалистик Меҳнат Қаҳрамони.

● ●

муддатидан илгари адо этдилар. Бу бригадаларнинг пахтакорлари ҳар гектар ердан 50 центнердан хирмон кўтариш учун терим суръатини сира бўшаштирмай давом эттирмоқдалар. Комплекс-механизациялашган Жумамурод Йўлдошев бошлиқ звено аъзолари гектаридан қарийб 40 центнердан ҳосил йиғиб-териб олдилар.

Бу йил пахтазорларимизда 14 та «зангори кема» бетиним ишлади. «Пўлат от» чавандозларидан Жумамурод Йўлдошев, Гулмирза Янгибоев, Абдулла Раҳимов, Низомиддин Жуматов, Қурбонбой Тангирберганов ўртоқлар ўз машиналари бункеридан шу кунгача 80-85 тоннадан «оқ олтин» тўкдилар.

Колхозимизда бу йил пахта ҳар йилгидзн ҳам кўп ва арзон етиштирилди. Ҳар бир центнер пахта ўтган йилдагига нисбатан 2 сўм 50 тийин арзон бўлди. Машина теримидан жуда катта фойда кўрдик. Бу эса даромадимизнинг янада кўпайишига имкон берди. Ўтган йилги 1 миллион 483 минг 685 сўм ўрнига бу йил 2 миллион 99 минг 342 сўм фойда оламиз.

«Оқ олтин» дурдоналари далаларимизда ҳали кўп. Яна гектаридан камида 12 центнердан пахта топшириш имкониятига эгамиз. Икки ҳафтадан буён ана шу мажбуриятимиз ҳисобига пахта топширишдамиз. Бир грамм ҳам дурдонани ерда қолдирмай тезроқ йиғиб-териб олиш, бу билан кузги шудгорлашни барвақт бошлаб юбориш учун ҳамма чораларни кўрмоқдамиз.

ИНСОН БЎЛ

Ризамат МУСАМУҲАМЕДОВ,
Социалистик Меҳнат Қаҳрамони, Давлат мукофотининг лауреати, боғбон.

◆ ◆

Мендан ўқитувчи ҳақида фикрингиз қалай, деб сўраб қолишди. Сиз кўпни кўрган, оқсоқол кишисиз, шунинг учун ҳам ўқитувчи ҳақида фикр билдиришингиз жуда ўринли бўларди, дейишди улар. Ўйлайманки, ўқитувчи ҳақида фақат кўпни кўрган кишиларгина эмас, ҳамма ҳам бирон нарса гапиролса керак. Чунки дунёда ҳеч бир киши устоз кўрмай ўтмайди.

Менимча, мактабларда дарс берадиганларнигина ўқитувчи дейиш нотўғри. Бу сўзнинг маъноси анча кенг. Менинг учун отам ҳам ўқитувчи, онам ҳам ўқитувчи. Ўқитувчи ҳақида фикр юритатуриб сўзни онам ва отамдан бошлаганимнинг боиси ҳам ана шундан.

Онам, сендан умрбод миннатдорман, чунки сен биринчи марта атак-чечак қилишни ўргатдинг, биринчи бор гапиришни, тилни ўргатдинг. Отам, сендан умрбод миннатдормай, чунки сен қўлимдан етаклаб қандай меҳнат қилишни кўрсатдинг, ўргатдинг. Биринчи ўқитувчиларим сизлар, шунинг учун ҳам доимо таъзим қиламан сизларга!

Мен боғбонман, гўзалликни севишимнинг боиси ҳам шундан. Қанчадан қанча боғ яратган, қанчадан қанча гулзорлар бунёд қилганимнинг ҳисобига етолмайман. Фақат шуни биламанки, ҳаммаси ҳосил беряпти, шу мевалардан ҳамма баҳраманд бўляпти.

Мен ҳозир 85 ёшга чиндим, лекин қимирламай уйда ўтиришни ёқтирмайман. Қаерга бормай, ўзим яратган боғларим кутиб олади. Мана шуларнинг ҳаммаси учун мен ўз устозимдан чексиз миннатдорман. У менга қандай қилиб боғ яратишни ўргатган эди. Ана шу миннатдорчилигим сирини айтаймй сизларга? Мен рус боғбони Стеколин қўлида 25 йил таълим олганман. Йигирма беш йил

— Боғбонликни ўрган, — деган эди у, бундан етмиш баҳор илгари. — Дунёда бундан улуғ касб йўқ.

Мен боғбон билан фақат ўқитувчилик касбинигина тенглаштиришим мумкин. Ўқитувчилик билан боғбонлик чиндан ҳам бир-бирига жуда ўхшайди. Иккаласи ҳам ўз «фарзандларини» вояга етказади: боғбон — дарахтларини, ўқитувчи эса ёш авлодни. Фақат ўқитувчининг иши қийинроқ. У ер ва сув билан муомала қилмайди, балки болаларнинг юраги ва инсон ҳарактери билан тўқнашади. Бу ерда қачон эркалатиш ва эътибор бериш, қачон талабчанлик ва «қайчи ишлатишни» аниқ билиш керак. Ҳаёт ўқитувчидан бошланади, десам муболаға қилмаган бўламан. Ҳар бир касб тепасида ўқитувчи туради. У бўлмаганда, яхши геологлар ҳам, инженерлар ҳам, авиаторлар ҳам, қурувчилар ҳам, агрономлар ҳам бўлмасди.

Бундан бир неча йиллар бурун бизни мана бундай ўқитишар эди: домланинг айтганини қил-у, қилганини қилма. Ниҳоятда бўлмағур «насиҳат». Бу «ҳикматли сўз»нинг маъносига ва унинг қандай пайдо бўлганига чуқурроқ разм солиб, кўрикт. Чиндан ҳам, дин пешволари виждонсиз, хулқи бузуқ кишилар. Шунинг учун ҳам улар ўз қилмишлари ва жирканч одатларини қонун йўли билан ҳимоя қилмоқчи бўлганлар.

Иллат, разолат ривож топган эски жамиятни таг-томири билан йўқ қилиб ташладик. Бизнинг янги дунёмизда иккиюзламачи кишилар бўлмаслиги керак. Айниқса, тарбиячилар орасида бўлмаслиги керак. Мен **айниқса** сўзини яна қайта алоҳида таъкидламоқчиман.

Ўқитувчи учун сўз билан ишнинг бирлиги ажралмас хусусият, кўрк бўлиши керак. Вировни бенуқсон одам бўлишга ўқитсанг — энг аввало ўзинг шундай одам бўлишга ҳаракат қил, намуна кўрсат. Қуруқ сўз билан таълим берма, ўз ишинг билан таълим бер...

Бир воқеани эслайман, бу воқеа бундан анча олдин. Совет ҳокимиятининг дастлабки йилларида содир бўлган эди. Қишлогимизда мактаб очишди. Ўғил фақатгина болалар эмас, катталар ҳам қизиқиб қолишди. Кейин саводсиз ва чаласавод кишилар учун ҳам курслар очилди. Мактабга келган бир ўқитувчини ҳар бир хонадонда алоҳида ҳурмат билан кутиб ола бошлашди. Чунки улар ўзларини янги ҳаётга ўргатадиган бирдан-бир кишилар мана шу ўқитувчилар деб тушунардилар. Лекин аҳвол бояги ўқитувчида бошқача бўлиб чиқди. Ундан тезда кишилар юз ўгириб кетишди. Бунинг сабаби ўқитувчининг иш билмаслигидами? Йўқ, баъзан илм жиҳатдан жуда бўш ўқитувчилар ҳам келар эдилар. Лекин энг асосийси — одамийлик, кишиларни яхши, фойдали ишга жалб қилиш қобилияти мана шу ўқитувчиларда бор эди.

Биринчи ўқитувчида одоб-ахлоқ етишмас, кишиларни алдар эди. У шунчаликка бориб етдики, бир кун бир колхозчининг ашагини ўғирлаб, бозорга олиб бориб сотибди.

Ана шунда уни қишлоқдан ҳайдаб юборишди. Бу қанчалик хунук воқеа бўлганини билсангиз эди?! Одамлар, ўқитувчи бруглик келтиради, доно ақли билан хурофотни йўқ қилиб ташлайди, деб ўйлаган эди. У бўлса ўз номига доғ туширибгина қолмай, улуғ, муқаддас касбга ҳам доғ тушириб кетди. Бу жароҳат ҳамқишлоқларим дилидан анча вақтгача ўчмай юрди.

Эндиги ўқитувчилар бошқача. Мана мен ҳозир сизларга бир одам ҳақида, Александра Александровна Кордова ҳақида гапириб бермоқчиман. Бу аёл менинг якинимда, Чирчиқ шаҳрида яшайди. Ёши олтмишдан ошди, лекин ғайрати сўнмаган, демак юраги ҳам қариманган. Ҳозир ўқитувчилик қилмаяпти-ю, лекин умрбод ўқитувчи бўлиб қолди. Чирчиқлик ҳар бир ўқувчининг тақдири уни ташвишлантиради, клублар, спорт ва танца майдонлари, пионерлар уйининг ишлари билан қизиқади.

КАЛИНИН РАЙОН САБЗАВОТКОРЛАРИ ҒАЛАБАСИ

Истиқбол режалари

М. КАМОЛОВ,
Тошкент область, Калинин район партия комитетининг биринчи секретари.

Улуғ Октябрь байрами арафасида турибмиз. Совет кишилари улуғ айёмларни зўр тантана, шоду-хуррамлик ва муносиб совғалар билан кутиб олишга одатланиб қолганлар. Районимиз қишлоқ хўжалик меҳнаткашлари ҳам байрамга катта туҳфа тайёрладилар. Меҳнаткашлар дастурхонига 71 минг тоннага яқин сабзавот маҳсулотлари етказиб берилди. Бу, ўтган йилгидан 5500 тонна кўп, Тошкент областида тайёрланадиган сабзавотнинг 50 процентини, республикамизда тайёрланадиган сабзавотнинг эса 27 процентини ташкил этади.

Район партия комитети, бошланғич партия ташкилотлари сабзавоткорларнинг куч ва ғайратларини далаларда мўл ҳосил етиштиришга сафарбар эта олдилар. Бизнинг бу олижаноб ишимизда Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг Тошкент аҳолисини сабзавот маҳсулотлари билан мўл-кўл таъминлаш тўғрисидаги қарори қўлланма бўлди. Бу қарор район партия комитетининг кенгайтирилган пленумида муҳокама қилиниб, тегишли тадбирлар белгиланди. Пленум қарорлари ҳар бир бошланғич партия ташкилотида ишлаб чиқилди. Хуллас, ҳамманинг диққат эътибори сабзавот, картошка, полиз экинлари маҳсулоти, мева, узум ва бошқа ноз-неъматларни кўплаб етиштиришга қаратилди.

Партия ташкилотлари томонидан олиб борилган жуда катта ташкилотчилик ва оммавий-сиёсий ишлар яхши самаралар берди. Колхоз ва совхозларимиз шу кунгача тайёрлов пунктларига 141 минг тоннага яқин турли қишлоқ хўжалик маҳсулотлари етказиб бердилар. Айниқса «Ўзбекистон ССР 40 йиллиги» колхози (раиси Т. Мирзаев, партия ташкилотининг секретари Б. Жонобеков, агрономи И. Асатов ўртоқлар), Собир Раҳимов номли колхоз (раиси М. Маъмуров, бошланғич партия ташкилотининг секретари К. Латипов, агрономи В. Ёқубов ўртоқлар), «Қорасув» совхози (директори Р. Дадахўжаев, партия ташкилотининг секретари М. Ёқубова, агрономи Азимхўжаев ўртоқлар) каби илғор хўжаликлар катта ютуқларни қўлга киритдилар. Собир Раҳимов номли колхоз давлатга сабзавот сотиш йиллик планини 140 процент адо этди. Бундай хўжаликлар районимизда кўплаб топилади.

Ўнларча бригада ва звенолар йиллик планларини аллақачонлар бажариб, ҳозир мажбурият ҳисобига маҳсулот топширишяпти. Масалан, Калинин номли колхознинг ўртоқ Солиҳ Каримов бошлиқ бригадаси 27 гектар майдондан 621 тонна ўрнига 675 тонна полиз маҳсулотлари, 25 гектар ердан 300 тонна ўрнига 362 тонна картошка топширди. «Ўзбекистон ССР 40 йиллиги» колхозининг бригада бошлиғи Муҳаммад Ҳакимов 40 гектар токзордан 453 тонна узум ва 13 гектар боғдан 115 тонна мева сотди.

Сабзавотчиликда звено тартибининг жорий қилиниши яхши самаралар беряпти. «Партия XX съезди» колхозининг илғор звено бошлиғи ўртоқ Толиб Ҳалимов 5 гектар майдондан 79 тонна картошка, 6 гектар ердан 140 тонна сабзавот маҳсулоти топширди. Карл Маркс номли колхоздан Баҳром Рихсибоев, Калинин номли колхоздан Ҳабиб Фозилов, «Октябрь» колхозидан Мажид Ҳошимов, «Ўзбекистон ССР 40 йиллиги» колхозидан Ҳамидхожи Нуриддинов ўртоқлар бошлиқ звенолар ҳам дуруст кўрсаткичларга эришдилар.

Районимиз меҳнаткашлари Тошкент аҳолисини ноз-неъматлар билан таъминлашдан ташқари Москва, Ленинград, Свердловск, Магадан, Новосибирск каби йирик саноат марказларига 1135 тонна узум, 10 минг тоннага яқин сабзавот жўнатдилар.

Қўлга киритган муваффақиятларимизнинг боиси нимада? Дастлаво шуни айтиш керакки, район хўжаликлари ўтган йили 1,5 миллион сўмлик уруғ сотиб олган эдилар. Эндиликда четдан уруғ сотиб олинмайди ва шу миқдордаги пул сабзавоткорларга бўлиб берилди. Уруғнинг сифати яхшиланди. Бинобарин, маҳсулот мўл-кўл бўлди. Бундан буён ҳам уруғ хўжаликларнинг ўзида тайёрланади.

Кадрларни танлаш, уларни жой-жойига қўйиш, топширилган иш учун уларнинг масъулиятини ошириш ҳам ютуқларимизнинг омилларидан биридир. Район партия комитети ва бошланғич партия ташкилотлари, район ижроия комитети ҳамда қишлоқ Советлари мутахассислар кучига таяниб иш олиб бордилар, уларнинг ишдаги мустақиллигини оширдилар, талабчанликни кучайтирдилар.

Сабзавот маҳсулотлари топшириш планини муддатидан илгари муваффақиятли бажарган эканмиз, бу соҳада ҳалигача йўл қўйилиб келинаётган баъзи камчиликлар ҳақида ҳам гапирмасдан илож йўқ. Гарчи, тайёрлов ташкилотлари яхши ишлаган бўлсалар-да, улар сабзавот ғарқ пишган кезларда бирмунча шошилиб қолдилар. Сабзавот маҳсулотларини тўппа-тўғри далалардан қабул қилиб олинишини таъминламадилар. Бунинг учун сабзавот маҳсулотлари билан савдо қилишнинг бирор янги формасини ўйлаб топиш мақсадга мувофиқ бўлур эди.

Консерва заводлари сабзавот маҳсулотларини қабул қилиб олишда анча суст кетаётганлиги кўрсатдилар. Келгусида бунга йўл қўймаслик учун **колхозлараро консерва заводлари қуриш масаласини ҳам ўйлаб кўриш керак.** Шу билан бирга, сабзавот сақлайдиган омборларни кенгайтириш, бундай омборлар сонини тайёрлов ва савдо ташкилотлари базаларида ҳам кўпайтириш лозим.

Сабзавот етиштириш билан боғлиқ бўлган ишларни механизациялаштириш соҳасида ҳам жиддий камчиликлар бор. Кўпгина ишлар ҳали ҳам қўлда бажариляпти. **Ўзбекистонда, хусусан Тошкент шаҳрида сабзавот етиштиришни механизациялаш юзасидан давлат конструкторлик бюроси ташкил этиш вақти етиб келди.**

Районимиз территориясида картошка, сабзавот ва полиз экинлари, маҳсулоти илмий текшириш институти ишлаб турибди. Лекин бу институт сабзавотчиликни механизациялаштириш масаласи билан мутлақо шуғулланмаётир. Бу институт картошканинг янги навларига ҳамон йўлланма бермаётир. Бизнинг шароитимизга мос бўлган, серҳосил «Обидов» навли картошка ҳамда «Юсупов» навли помидор далаларда кўринмай қолди. Институт олимлари ана шу навларни кўплаб экишни тавсия этиш ўрнига, турли-туман баҳоналарни рўкач қилиб, бу навларнинг далалардан кенг ўрин олишига тўсқинлик қиляптилар.

Халқ селекцияси ишига ҳам жиддий эътибор бериш зарур, деб ҳисоблаймиз. Чунки, кейинги йилларда турли мева, полиз экинлари маҳсулоти коллекцияси камайиб кетяпти. Маҳаллий навлар бир вақтлар мамлакатга машҳур эди. Лекин, негадир, бу навлар ҳам далаларимиздан ўзига муносиб ўрин олмаяпти.

Биз план ҳақида гап юритганимизда, сабзавотчиликнинг истиқболини ҳам ўйлашимиз, унинг режаларини тузишимиз зарур. Район партия ташкилоти ҳозир ана шу масалалар ҳақида ўйлаб кўрмоқда. Бизнинг мақсадимиз — планга қўшимча равишда яна 2 минг тонна сабзавот ва картошка сотиш, келгуси йил мўл ҳосилига пухта замин яратишдан, КПСС XXIII съездини меҳнатда янги ғалабалар билан нишонлашдан иборатдир. Бунинг уддасидан чиқиш учун реал имкониятларга эгамиз.

РАЙСНИНГ ЎЙЛАРИ



Колхоз раиси Мақсудали Маъмуров.

Шовуллаб ёмғир ёғяпти. Далалар лой бўлиб қолган. Лекин ҳали ҳам баъзи пайкалларда йиғиштириб олинмаган карамлар бири-бирига кифт тегизиб, думалашиб ётибди. Колхоз қишлоғига кираверишдаги пайкалда 5-6 киши кўринади. Қайси бир юк автомашинаси кузовини карамга тўлдириб, қабул пунктига шошилади. Раис идорада бўлса керак, деб правление жойлашган бино томон йўл олдик. Афсуски, адашибмиз. Правление идорасида колхоз секретари Тўлаган Бобоевдан бўлак ҳеч кимни учрата олмадик.

— Раисимиз карам узадиган колхозчилар ёнига кетган, — деди у. Сўнгра стол устидаги қалин папкани титкилаб, қўшиб қўйди:

— Икки минг беш юз етмиш тонна ўрнига 3600 тонна сабзавот топшириб, йиллик планни 140 процент бажариб қўйган бўлса, яна нима керак? Ёши ҳам олтмишдан ошиб кетган. Шундай ҳавода дала кезиб, карам узиб жўнатиб юрибди. Эринмайди, биродар!

Правление секретарининг бу гапларида колхоз раисига ҳам ачиниш, ҳам унинг ишларидан севиниш ҳислари сезилиб турарди. Чунки у 23 йилдан буён Мақсудали ота Маъмуров билан бирга ишлайди. Ингирма уч йилдан буён унинг характерини ўрганиб олган. Тиниб-тинчимас Мақсудали ота ўзининг жонкуярлиги, меҳнатсеварлиги билан правление секретарида яхши таассурот қолдирган. Шунинг учун бўлса керак, тўлаган Бобоев раисининг ишларидан, ҳол-аҳволидан хабардор бўлиб туришни истайди. Олтмиш ёшга тўлган отахон раисининг соғлиғи ҳақида ўйлайди.

Секретарга ҳалақит бериб ўтирмадик. Тўғри карам узадиган колхозчилар ёнига бордик. Колхоз раиси Мақсудали ота Маъмуровни ҳам шу ерда учратдик. У ёшларга хос ғайрат-шижоат билан югуриб-елларди. Қабул пунктига кўпроқ маҳсулот жўнатишни ўйларди. Раиснинг шахсий намунасидан ўрнак олган бошқа кишилар эса пайкалдаги карамларни тез-тез узиб бир жойга тўплар, машиналарга ортиб, тайёрлов пунктига жўнатишар эди.

— Эртага районимиз сабзавот маҳсулотлари топшириш йиллик планини бажармоқчи, — деди Мақсудали ота. — Планга озгина сабзавот етишмай турибди, деб эшитдим. Қўшнимиз Навоий номли колхоз ҳали планини бажаргани йўқ. Шунақа хўжаликлардан райондa яна уч-тўрттаси бор. Уларни кутиб турсак, районимиз плани кейинга суриларверади. Актив лар билан маслаҳатлашиб, бугун-эрта тагин 70 тонна карам топширишга қарор қилдик. Шундан 40 тоннасини бугун жўнатамиз.

Раисниг ўз хўжалиги учун эмас, балки бутун район учун ташвишланаётганлиги унинг ҳаракатларидан, колхозчиларни баракали меҳнатга ундаётганлигидан, ниҳоят, шундай ёмғир остида ҳам ўзи далама-дала юрганлигидан ҳам сезилиб турарди. Лекин у сира мақтанмасди, қилаётган ишларини бўрттириб кўрсатишга уринмасди. Ўзи ҳақида камроқ, бошқалар тўғрисида кўпроқ гапиришни яхши кўрарди бу отахон.

Ёмғир тинабошлаганида раисни идорага чақириб қолишди. Уйга ҳамроҳ бўлдик. Раисниг кабинетида қизғин суҳбат бошланди. Колхоз активлари ҳалқ дастурхонига яна 300 тонна сабзавот маҳсулотлари етказиб бериш тўғрисидаги янги мажбурият ҳақида мулоҳаза юритишди. Ҳамма янги мажбуриятни бир овоздан маъқуллади. Шу ерда колхоз активлари иштирокида раис Мақсудали ота Маъмуров тўғрисида жуда илиқ, самимий гапларни эшитдик.

... Мақсудали ота 1937 йилдан буён бизнинг генерал Собир Раҳимов номли колхозимизга раислик қилиб келяптилар, дейишди одамлар. Шу давр ичида хўжалигимиз қолоқ, камқувват колхоздан юқори ҳосилли, бадавлат колхозга айланди. Раисимиз ўйлаб қўйган режаларининг ҳаммасини амалга оширди. Шунинг учун ҳам уни ҳамма иззат-ҳурмат қилади. Сабзавоткорлар отахони дейди.

Шундай! Бу колхоз 1937 йили 300 гектар ерга чигит экиб, гектаридан 8-9 центнердан ҳосил олиб келарди. Колхознинг бор-йўғи 15 гектарлик боғи мавжуд эди. Ундан олинадиган ҳосил қишлоқ аҳолисининг эҳтиёжига ҳам етмасди. Мақсудали ана колхозга раис бўлди-ю, ишлар ўзгариб кетди. У биринчи галда колхоз экономикасини мустаҳкамлаш ва колхозчилар фаровонлигини оширишга эътиборни кучайтирди. Шу мақсадда экин майдонлари кенгайтирилди, янги ерлар очилди, боғлар барпо этилди. Колхозчилар даромади кескин ошди. Уларнинг моддий-манфаатдорлиги кўтарилди.

Мана энди бу ерларни таний олмайсиз. Эски, пастқам уйлар ўрнида янги ҳушҳамат иморатлар қад кўтарди, кенг ва равон кўчалар очилди. Колхозга Ильич нури етиб келди, хонадонлар чароғон бўлди. Генерал Собир Раҳимов номи билан аталган бу колхоз қишлоғи кўркамлида, гўзаллигида, сўлимлигида тенги йўқ ажойиб социалистик посёлкаларимиздан бири бўлиб қолди.

Кейинги йилларда колхоз шаҳар аҳолисини ноз-неъматлар билан таъминлаб туриш мақсадида ихтисослаштирилган сабзавотчилик хўжалигига айлантирилди. Эндиликда бу ерда етиштирилаётган хилма-хил неъматларни татиб кўрмаган, улардан баҳраманд бўлмаган, шу ноз-неъматлар билан дастурхонини безамаган киши, оила кам топилса керак.

Калинин райони сабзавот топшириш йиллик планини муддатидан илгари бажарди. Бунда генерал Собир Раҳимов номли колхоз аъзоларининг қўшган ҳиссаси салмоқлидир. Улар меҳнаткашлар дастурхонига 5 минг тоннадан зиёдроқ ноз-неъматлар етказиб беришди. Пландаги 800 ўрнига 941 тонна қовун-тарвуз, 150 тонна ўрнига 160 тонна мева, 110 тонна ўрнига 121 тонна узум, 2570 ўрнига 3600 тонна сабзавот топширилди. Ўтган йили колхознинг умумий даромади 1 миллион 79 минг сўмни ташкил этган бўлса, бу йил 1 миллион 300 минг сўмга етказилади. Агар булутур колхозчиларнинг ҳар меҳнат кунига 2,5 сўмдан пул тақсимланган бўлса, бу йил 3,5 сўмдан берилади.

Колхозчиларга натура ҳақи тўлашда ҳам яхши тартиб ўрнатилган. Пландан ташқари топширилган картошканинг тенг ярми колхозчиларнинг меҳнат кунига бўлиб бериляпти. Планга қўшимча равишда сотилган мева ва сабзавот маҳсулотларининг 50 процентини колхозчиларга пул тариқасида бериб бориляпти. Маҳсулот етиштиришда кам харажат қилган, меҳнат ва маблағни тежаб қолган бригадаларга қўшимча даромаднинг 50 процентини берилмоқда. Ҳар гектар ердан пландаги 23 ўрнига 30 тоннадан карам, 20 ўрнига 26 тоннадан помидор, 22 ўрнига 30 тоннадан қовун-тарвуз топширган Умар Рихсиев, Қурбон Маъмуров ўртоқлар бошлиқ бригада аъзолари айниқса катта даромад олмоқдалар.

Ҳозир колхозда экин майдонлари 1050 гектарга кенгайтирилган. 107 гектар майдонда боғ, 47 гектарда узумзор бор. Шу кеча-кундузда келгуси йил мўл ҳосилига мустаҳкам замин яратилмоқда. 12 та ҳайдов трактори ерларни шудгор қиляпти. Собит Турсунов, Ориф Ёқуббоев, Расул Мамараҳимов сингари механизаторлар ер ҳайдашда алоҳида ўрнак кўрсатишяпти. Ҳозиргача 650 гектар ер шудгорлаб қўйилди. Колхоз экин майдонларини шудгорлашни Октябрь байрами кунигача тамомлаймоқчи.

Бу ишларнинг ҳаммасида колхоз раиси Мақсудали ота Маъмуровнинг алоҳида ўрни бор. Отахоннинг кўкрагини безаб турган Ленин ордени, иккита Меҳнат Қизил Байроқ ордени, Ҳурмат Белгиси ордени ва бир қанча медаллар, қўша-қўша фахрий ёрлиқлар фикримизнинг исботидир.

С. ҚОДИРОВ.
«Совет Ўзбекистони» махсус мухбири.



Калинин районидаги генерал Собир Раҳимов номли колхозда сабзавот экинларидан мўл ҳосил етиштирилди. Штатсиз фотомухбиримиз А. Абалян олган бу суратда сиз 4- бригаданинг илғор сабзавоткорларидан Замира Жалолова (чапдан) ва Умри Ёқуббоева ўртоқларни кўриб турибсиз.

АЖОЙИБ КОММУНИСТ ВА ҒАШКИЛОТЧИ

(А. А. АНДРЕЕВ ТУҒИЛГАНИГА 70 ЙИЛ ТЎЛДИ)



Коммунистик партия ва Совет давлатининг кўзга кўринган арбоби. Мамлакатимизда социализм ғалабаси учун кураш йилларида ўзининг сиёсий ва ташкилотчилик қобилияти билан халқ бахт-саодати йўлида фидокорона меҳнат қилишни ўзининг юксак коммунистик бурчи деб билган ленинчи гвардиянинг вакилларидан бири бўлган Андрей Андреевич Андреевнинг туғилганига 70 йил тўлди.

Ўртоқ А. А. Андреев Смоленск губернясининг Сичёвск уездига қарашли Кузнецово қишлоғида деҳқон оиласида дунёга келди. У мактаб ёшига етгач қишлоқ мактабида билим олди ва 1908 йилда ота-оналари билан биргаликда Москвага келди. У 16 ёшидан бошлаб марксистик адабиётлар билан таниша бошлади ва кейинчалик революцион ҳаракат сафига қўшилди. А. А. Андреев 1914 йилда Петроградга келади ва патрон-гильза ишлаб чиқарувчи устахонага ишчи бўлиб киради, ундан кейин эса Путилов заводи ҳамда «Скороход» фабрикасида ишлайди. У шу йили большевиклар партияси сафига киради ва Нарвск районидан Петроград большевиклар комитетига аъзо бўлиб сайланади. Путилов заводи ишчилари ўртасида пропагандистлик ишларини олиб боради.

А. А. Андреев 1917 йили Февраль революциясидан кейин Петроград металлистлари иттифоқининг ташкилотчиларидан бири сифатида ўзининг ташкилотчилик қобилиятини намоён этади. У Россияда амалга оширилган Улуғ Октябрь социалистик революциясида актив иштирок этиб партия ва халқ олдида муносиб обрў қозонди. Революция ғалабасидан кейин Коммунистик партия А. А. Андреевни Уралга юборади.

А. А. Андреев 1920 йилда касаба союзларининг съездида ВЦСПС секретарлигига сайланади. 1920 йилда партиямизнинг IX съездида А. А. Андреев РКП(б) Марказий Комитетининг аъзоси қилиб сайланади. Коммунистик партиянинг XI съездида ва ундан кейинги съездларида А. А. Андреев ВКП(б) Марказий Комитетининг аъзоси сифатида ўз ташкилотчилик талантини намойиш қилади. 1924 йилда партиямизнинг XIII съездида ўртоқ А. А. Андреев кооперация тўғрисида доклад қилади. 1924 йилда у ВКП(б) Марказий Комитетининг секретарлигига сайланади ва 1924—1925 йилларда ана шу лавозимда ишлайди. 1932 йилнинг февралидан бошлаб ўртоқ А. А. Андреев ВКП(б) Марказий Комитети Сиёсий Бюросининг аъзоси сифатида мамлакатимиз экономикасини ривожлантириш ишига ўз ақл-заковати ва ташкилотчилик фаолиятини сафарбар этади.

А. А. Андреев 1927 — 1930 йилларда ВКП(б)нинг Шимолий Кавказ ўлка комитетининг секретари вазифасида ишлайди. Партиянинг сиёсати асосида ўртоқ А. А. Андреев бошчилигида ўлкада қишлоқ хўжалигини тўла коллективлаштириш ва кулоқларни синф сифатида тугатиш, биринчи совхозлар ташкил этиш соҳасида жуда катта ишлар амалга оширилади. ВКП(б) Марказий Комитетининг 1928 йилнинг ноябрь ойида бўлиб ўтган Пленумида ўртоқ А. А. Андреев ВКП(б) Шимолий Кавказ ўлка комитетининг иш фаолияти юзасидан ҳисоб беради. Пленум ана шу асосда қишлоқда партиявий ишларни йўлга қўйиш ва яхшилаш юзасидан махсус қарор қабул қилади.

Ўртоқ А. А. Андреев 1930 — 1931 йилларда ВКП(б) Марказий контроль Комиссиясининг раиси, СССР Ишчи-деҳқон инспекцияси халқ комиссари, СССР Халқ Комиссарлари Совети Раисининг ўринбосари, 1931 йилдан то 1935 йилнинг мартига қадар Темир йўл халқ комиссари лавозимларида ишлайди. Шу йилнинг мартида у яна ВКП(б) Марказий Комитетининг секретари вазифасига сайланади. Партиянинг XVIII съездидан кейин ВКП(б) Марказий Комитетининг бўлиб ўтган Пленумида ўртоқ А. А. Андреев яна ВКП(б) Марказий Комитети Сиёсий Бюроси аъзолиги ва ВКП(б) Марказий Комитетининг секретарлиги ҳамда ВКП(б) Марказий Комитети партия контроли Комиссиясининг раиси лавозимига сайланади. Ўртоқ А. А. Андреев 1941—1942 йилларда ВКП(б) Марказий Комитетининг топшириғига мувофиқ темир йўл транспортида ҳарбий юкларни ташиш ва йўлга қўйиш ишлари билан шуғулланади.

Ўртоқ А. А. Андреев 1935 йилдан то 1946 йилга қадар партия Марказий Комитетининг секретари лавозимида ишлайди. У 1943 йилнинг охирида СССР Ер ишлари халқ комиссари вазифасига тайинланади. У 1946 йилдан бошлаб СССР Министрлар Совети Раисининг ўринбосари ва СССР ҳукумати ҳузуридаги колхоз ишлари Советининг раиси вазифасида ишлайди.

Принципиал коммунист ва ишчан ташкилотчи ўртоқ А. А. Андреев бир неча марта СССР ва РСФСР Олий Совети депутатлигига сайланди. 1938—1945 йилларда СССР Олий Совети Иттифоқ Советининг раиси вазифасида ишлади. Коммунистик партия ва Совет ҳукумати олдидаги жуда катта хизматлари, кенг миқёсда олиб борган ташкилотчилик ишлари учун СССР орден ва медаллари билан тақдирланди.

Ўртоқ А. А. Андреев касайиб қолган бўлишига қарамай, ҳозир ҳам жамоат топшириқларини бажонидил амалга ошириб келмоқда.

О. АБДУРАҲМОНОВ.

«АЛДАГАНИ БОЛА ЯХШИ»

Агар сиз пойтахтдаги 5-қурилиш бошқармасининг бошлиғи ўртоқ Крис Леонид Лазарович олдига кириб: «Кимни алдаш осон?» — деб сўрасангиз, дарҳол:

— Албатта алдагани бола яхши-да? — деб жавоб беради.

...1964 йилнинг бошларида қурилиш трестининг шоввозалари тантана билан Чилонзор районидаги ҳинд тилида ўқитиладиган 144-махсус ўрта мактаб ҳовлисига кириб келишди. Ана шунда ҳаммадан ҳам мактаб ўқувчилари қувонишган эди.

Қурилиш ишидаги шовқин-сурон узоққа чўзилмади. Баъзида Леонид Лазарович кабинетидан туриб:

— Бўш келманг, азаматлар, яна озгина ҳаракат қилинглар, қолганини ўзим тўғрилаб бераман, — деб кўрсатма бериб турди. Аслидачи, кундан-кунга қурувчиларнинг баракаси уча бошлади. Бугун ишлашга 30 киши келса, эртасига 20 киши, индинига 15 киши келди.

Ниҳоят қурилишда ҳеч кимнинг қораси кўринмай қолди. Фақат ҳафта, ой ора икки-уч киши келиб, жон-жаҳдлари билан «тараққатуруқ» қилишади-да, яна ғойиб бўлишади. Бу ҳам ҳолва экан. Кейинчалик улар ҳам бутунлай кўринмай кетишди.

Орадан ойлар, йиллар ўтяпти, спорт зали қурилиши ҳамон ўлда-жўлда ётибди. Мактаб директори ўртоқ Б. Алимов қурувчиларни қидириб, ташкилотма-ташкилот қатнайверибди, тинкаси қуриди. Лекин ҳеч қандай натижа чиқмади. Ҳозирча болалар спорт машғулотларини очиқ ҳавода ўтказиб туришибди. Лекин қишнинг яқинлашиб қиш келяпти. Унда нима бўлади? Бу сафар ҳам Леонид Лазарович мингга яқин болага қараб уялмасдан «алдагани сизлар яхши!» демоқдан?

Мактабнинг авваллари яхшигина спорт зали бор эди. Бироқ, бинони қайта қурмоқчи бўлган трест раҳбарлари уни бузиб ташлашган. Мактабнинг ҳудди шу трест қурган янги корпуси ҳақида эса гапирмасак ҳам бўлади. Водопровод кўп вақт ишламайди. Ишлаганда эса синфларни сув босиб кетади. Давлатнинг қанчадан-қанча маблағи сарфланган физика, химия кабинетларидаги кўпгина асбоблар ишдан чиқди.

Қизиқ, катта-катта ваъдалар билан айрим қурилиш объектларини ўз зиммаларига олиб кейинчалик эса «бизда кетгунча» қабилида иш тутаётганлар қачон ваъдаларига вафо қилишаркин?

Дадахон НУРИН,
мактаб ўқитувчиси.

ТИНГЛОВЧИЛАР ҲИММАТИ

Жиззахдаги «Пахтакор» совхозига борган ниши далаларда жавлон ураётган «зангори кема»ларни кўради. Бу кемаларнинг кўпчилик капитанлари — Тошкент политехника институтининг партия мактабининг тингловчиларидир. Ҳа, тинглов чилар мактабда уч йилдан буён машинада пахта териш санъатини ҳам ўрганмоқдалар. Бу тадбир пахтакорга кўмакка келган пайтда, айниқса, кўл келаётир.

Партия мактабининг 350 дан зиёд тинглов чи—ўқитувчи ва ҳисоб чиларидан иборат коллективи Мирзачўлга келиб, «оқ олтин»ни йиғиб-териб олишда пахтакорларга яқиндан ёрдам бермоқда. Шуниси қувончлики, II ва III курсларнинг ҳамма тинглов чиси фақат пахта териш машиналарида ишламоқда. Владимир Онищенко, Анатолий Галочкин, Раҳмахон Аминжонова, А. Ермолаев ва О. Ромашов ўртоқлар ўз агрегатларини соз ишлатиб, ҳар куни 4-5 тоннадан дурдонани пайкаллардан хирмонларга узатмоқдалар.

Олий ҳиммат бу кўмакчилар совхоз ва республикамизнинг планлари бажарилгунча терим вахтасида маҳкам туришга қатъий қарор қилдилар.

С. ЖЎРАЕВ.
Сирдарё области.

МАШИНА КАНАЛЛАРГА БЕТОН ҚОПЛАМОҚДА

«Андижанводстрой» трестининг 1-қурилиш-монтаж бошқармаси коллективи Марказий Фарғонадаги Дамкўл массивида юзлаб километр суғориш шохобчаси қурмоқда. Об-ҳаётнинг ерга шимилиб кетишига йўл қўймаслик учун чўлқуварлар канал четлари ва тубига бетон қоплямоқдалар. Сўнгги вақтларгача ўттиз кишилик бригада бир сменада кўпи билан олтмиш метр жойга бетон ётқиза олар эди. Эндиликда ишчиларнинг сони бундан икки баравар кам бўлган бригада ҳар сменада икки юз метрдан ортиқ канал четига бетон қоплямоқда.

Канал қурувчиларнинг ўзлари ясаб олган бетон қоплагич машина чўлқуварларга қўл келиб қолди. Қурилиш-монтаж бошқармаси мутахассисларнинг чертёжларига мувофиқ бу агрегатни Андижон ремонт-механика заводи тайёрлаб берди. Ўзи содда бўлган бу машинани ишлатиш ҳам осон. Механизм билан ишлов берилган канал тубининг ён сантиметр қалинлигидаги сув ўтказмайдиган бир текис қатлам билан қопланмоқда.

Чўлқуварлар Андижон ремонт-механика заводига шундай машиналарни тайёрлаб бериш ҳақида янги буюртма бердилар.

Корхона канал ўзанига бир йўла бир ярим метр кенглигида бетон ётқизиб бера оладиган бетон қоплагичларни тайёрлашга киришди.

(ЎзТАГ).

ТИНГЛОВЧИЛАР ҲИММАТИ

Жиззахдаги «Пахтакор» совхозига борган ниши далаларда жавлон ураётган «зангори кема»ларни кўради. Бу кемаларнинг кўпчилик капитанлари — Тошкент политехника институтининг партия мактабининг тинглов чиларидир. Ҳа, тинглов чилар мактабда уч йилдан буён машинада пахта териш санъатини ҳам ўрганмоқдалар. Бу тадбир пахтакорга кўмакка келган пайтда, айниқса, кўл келаётир.

Партия мактабининг 350 дан зиёд тинглов чи—ўқитувчи ва ҳисоб чиларидан иборат коллективи Мирзачўлга келиб, «оқ олтин»ни йиғиб-териб олишда пахтакорларга яқиндан ёрдам бермоқда. Шуниси қувончлики, II ва III курсларнинг ҳамма тинглов чиси фақат пахта териш машиналарида ишламоқда. Владимир Онищенко, Анатолий Галочкин, Раҳмахон Аминжонова, А. Ермолаев ва О. Ромашов ўртоқлар ўз агрегатларини соз ишлатиб, ҳар куни 4-5 тоннадан дурдонани пайкаллардан хирмонларга узатмоқдалар.

Олий ҳиммат бу кўмакчилар совхоз ва республикамизнинг планлари бажарилгунча терим вахтасида маҳкам туришга қатъий қарор қилдилар.

С. ЖЎРАЕВ.
Сирдарё области.

ТИНГЛОВЧИЛАР ҲИММАТИ

Жиззахдаги «Пахтакор» совхозига борган ниши далаларда жавлон ураётган «зангори кема»ларни кўради. Бу кемаларнинг кўпчилик капитанлари — Тошкент политехника институтининг партия мактабининг тинглов чиларидир. Ҳа, тинглов чилар мактабда уч йилдан буён машинада пахта териш санъатини ҳам ўрганмоқдалар. Бу тадбир пахтакорга кўмакка келган пайтда, айниқса, кўл келаётир.

Партия мактабининг 350 дан зиёд тинглов чи—ўқитувчи ва ҳисоб чиларидан иборат коллективи Мирзачўлга келиб, «оқ олтин»ни йиғиб-териб олишда пахтакорларга яқиндан ёрдам бермоқда. Шуниси қувончлики, II ва III курсларнинг ҳамма тинглов чиси фақат пахта териш машиналарида ишламоқда. Владимир Онищенко, Анатолий Галочкин, Раҳмахон Аминжонова, А. Ермолаев ва О. Ромашов ўртоқлар ўз агрегатларини соз ишлатиб, ҳар куни 4-5 тоннадан дурдонани пайкаллардан хирмонларга узатмоқдалар.

Олий ҳиммат бу кўмакчилар совхоз ва республикамизнинг планлари бажарилгунча терим вахтасида маҳкам туришга қатъий қарор қилдилар.

С. ЖЎРАЕВ.
Сирдарё области.

Бир мақолада болаларнинг ҳақиқий меҳрибонлари бўлган ўқитувчиларнинг қайноқ ва кўп қиррали фаолиятларини тўла бритиб бера олмайман, албатта. Фақат шуни айтмоқчиманки, ўқитувчининг ҳаёти — умрбод ёнади, жўшади, сира ўчмайди. Ундан чиққан учқунлар юзлаб, бошқа юракларга аланга сочади.

Мен ҳар бир ўқитувчининг ана шундай бўлишини истар эдим. У толмаслиги, булоқдек мусаффо бўлиши, баҳорда гулга бурканган богдай чиройли бўлиши керак!

Ҳа, ўқитувчи том маънода чиройли бўлиши керак. Ташқи қиёфада ҳам, маънавий жиҳатдан ҳам. Баъзан бу икки хусусият бир-бирига мос тушмай қолади. Шундайлар ҳам борки, ўзининг ташқи кўринишини, кийинишини кўз-кўз қилмоқчи бўлади. Лекин кишининг ички дунёси бўш бўлгандан кейин уни кийим яшира олармиди? Бунинг акси ҳам бўлади: маънавий жиҳатдан юксак бўлган киши ташқи қиёфага ҳам аҳамият бериши керак. Шундай ўқитувчиларни ҳам биламанки, улар дид билан кийинишни билишмайди, костюмлари дазмолланмаган, кир, соқоллариня ўз вақтида олдиришмайди, бош кийимлари чанг. Ана шундай ўқитувчилар ўзларига ҳамма қараётганини ва бармоқ билан кўрсатаётганини сезишармикин?

Ваъзан, қиттай чанг ёпишса ҳам пуф-пуфлаб, олиф тагарчилик қиладиганлари ҳам учрайди. Бунинг ўрнига юракларидаги кир-чирларни пуф-пуфлагандари маъқул. Туҳматчи, гийбатчи, уришқоқ кишилар бизда ҳали ҳам учраб туради. Шунинг учун ҳам ўтмишнинг бу сарқитларига қарши курашда ўқитувчи бош ролни ўйнаши керак. Баҳолонки, уларнинг ичида ҳам ана шундай «касалликка чалинган кишилар учраб туради.

Қишлоғимизда битта шундай ўқитувчи бор. Фамилиясини айтмайман, чунки болаларининг, соф виждонли хотинининг кайфиятини бузишни истамайман.

Тўғрисини айтсам, ана шу ҳамкишлоғим менга ёқмайди. Фақат менга эмас. Дуч келган идораларга шикоят қилиб бораверіши ҳаммасининг жонига тегиб-кетди. Хўш, унга нима керак деб сўрарсиз? У мактабга директор бўлмоқчи эмиш. Ўқитувчилик иши унга ёқмай қолибди. Ҳамма жойни изғиб, ҳамманинг меъдасига тегади. Гўё у тўғма раҳбар эмиш, уни куч билан четга чиқариб қўйишган эмиш...

Мен ундан бундай деб сўрамоқчиман, оддий, лекин иззат-ҳурматли ўқитувчи бўлишнинг нимаси ёмон? Ахир нишони мансабга қараб баҳолаш керакми? Йўқ. Агар киши маълум мансабга қинғир йўл билан чиқиб олса-ю, ўзининг ички дунёси, илм даражаси пуч бўлса, ўзи эришган ўринда узоқ туролмайди. Аксинча, истеъдодли киши, одамларга фойда келтирадиган киши доимо ҳамманинг ҳурмат ва эътиборида бўлади. Мен бунга аниқ мисоч ҳосил қилдим.

Демак кимники кишилар севса, кимки кишиларга кўпроқ яхшилик келтирса — у, сўзсиз, жамиятда юқори мартабани эгаллайди.

Бировни ўқитиш — энг ҳурматли, энг муқаддас бурч. Шу бурчингга содиқ бўл. Ўз ўқувчиларингнинг онаси бўл, ўқитувчи! Уларнинг падари бўл! Ўз «яҳоллаларинг»нинг боғбони бўл! Энг муҳими — инсон бўл!

Ўқитувчи! Мен сени ана шундай қиёфада кўришни истайман!

(«УЧИТЕЛЬСКАЯ ГАЗЕТА»нинг 28 октябрь сонидан).

Дунё харитаси олдида

ХАБАРЛАР ВОҚЕАЛАР

БИТИМ БУЗИЛМОҚДА

ДЕҲЛИ, 28 октябрь. (ТАСС). Жанг ҳаракатларини тўхтатиш линиясидаги аҳвол ҳақида Ҳиндистон эълон қилган маълумотда Покистон қўшинлари Лоҳур секторида ўз позицияларини мустаҳкамлашни давом эттирдилар, дейилади. Покистонликлар Кхём Карандан шимолроққа Ҳиндистон позицияларига ҳужум қилдилар, лекин уларнинг ҳужуми даф этилди. 25 октябрда покистонликлар Ичҳоғил каналининг шарқий қирғоғига кечиб ўтиб, Баркадан ғарби-шимолроққа ўрнашиб олдилар. Шу куни покистонликлар жанг ҳаракатларини тўхтатиш тўғрисидаги битимни 17 марта буздилар.

Маълумотда Покистон қўшинлари жанг ҳаракатларини тўхтатиш тўғрисидаги битимни Сиалкот секторида уч марта бузганлиги қайд қилиб ўтилади.


Пресс траст Оф Индиа агентлиги Пунчдан шарқи-шимолда (Жамму ва Кашмир штати) Ҳиндистон позицияларига ҳужум қилиш вақтида «Покистоннинг 12 диверсиячиси ўлдирилди ва 17 диверсиячиси асир қилиб олинди», деб хабар беради.

25 октябрда покистонликлар Мендҳар, Керан, Титхвал ва Новшер секторларида ҳинд қўшинларига қарата ўт очдилар. 25 октябрда Акхнур секторида жанг ҳаракатларини тўхтатиш тўғрисидаги битим уч марта бузилганлиги қайд қилинди. Чхамб атрофида Покистоннинг анчагина қўшини тўплаб қўйганлиги аниқланди.

КАРАЧИ, 28 октябрь. (ТАСС). Покистон расмий вакилининг Равалпиндида берган маълумотида, Ҳиндистон жанг ҳаракатларини тўхтатиш тўғрисидаги битимни яна бир неча марта бузди, дейилади. Расмий вакил Покистон чегарачи қўшинлари Фозилка секторида ўз постига ҳиндилар томонидан қилинган ҳужумни даф этдилар, деди.

Расмий вакилнинг гапига қараганда, Ҳиндистон қўшинлари Кашмирдаги Кел, Титхвал, Мехндор, Ражоври ва Сулаймонка секторларида ҳам ғарбий Покистон чегараси атрофида Покистон позицияларини «аҳён-аҳёнда ўққа» тутган.

25 октябрда ҳинд самолётлари Акхнур, Сиалкот ва Лоҳур секторларида (Ғарбий Покистон) ҳамда Ранпур секторида (Шарқий Покистон) Покистоннинг осмон чегарасига икки марта бостириб кирган. Ахборотда Ҳиндистон авиацияси Чавинда, Кхем Каран ва Ганғпур устида учиб юрди, дейилади. 24 октябрда Ражоври секторидаги жанг вақтида «Ҳиндистоннинг 20 солдати ўлдирилган».



Социалистик Югославия территориясида Дунай — Тисса — Дунай сув системасини барпо қилинмоқда. Бу система ҳайдаладиган катта майдонларда мелиорация ва ирригацияни ривожлантиришда катта роль ўйнайди, баъзи саноат корхоналарини сув билан таъминлайди. Қурилиш ишларининг каттагина қисми бажарилди. Сув системаси 1970 йилда тўла қуриб бўлинади. Қурувчиларга Москва ва Ленинград мутахассислари катта ёрдам кўрсатдилар. Суратда: каналнинг Сремски Милетич деган жойда тайёр бўлган қисми.

ТАСС фотохроникаси.

ГРЕЦИЯДАГИ ТАНТАНАЛАР

АФИНА, 28 октябрь. (ТАСС) Бугун Греция фашизмга қаршилик кўрсатиш кунини байрам қилмоқда. Асосий тантаналар Салоники шаҳрида ўтказилмоқда. Ўша ерда ҳарбий парад бўлиб ўтди.

Снёсий танглик байрамга таъсир ўтказди. Дарҳол парламент сайловлари ўтказишни талаб қилаётган марказ иттифоқи партияси ва бирлашган сўл демократик партия депутатлари Салоникидаги расмий байрамларда қатнашмаётирлар. Давлат бошлиги король Константин ва ҳукумат аъзоларининг кўпчилиги Салоникига борганлар.

ҚУЗҒУНЛАР КУЙИБ КУЛ БЎЛМОҚДА

ЛОНДОН, 28 октябрь. (ТАСС). Ярим кечада Америка ҳарбий денгиз кучлари Данангдаги базасининг «Мармар» қўниш йўлида кетма-кет портлаш овози эшитилди. Шу пайтда озодлик армиясининг жангчилари кичик-кичик штурмчи группаларга бўлиниб, базадаги учиш йўлига ёриб киришдилар ҳамда Америкаларнинг 40 дан ортиқ вертолётини сафдан чиқардилар ва уларга шикаст етказдилар. Рейтер агентлигининг Сайгондаги мухбири берган хабарда айтилишича, Америка ҳарбий денгиз кучлари базасига қилинган ҳужум ва Жанубий Вьетнам ватанпарварлари Америка вертолётларига берган зарба Жанубий Вьетнамдаги урушнинг бутун тарихида энг кучли ва қақшатқич зарба бўлди.

Айни вақтда озодлик армиясининг жангчилари Америка ҳарбий ҳаво кучларининг Данангдаги асосий базасини, шунингдек Чўлайдаги учиш — қўниш майдонини миномётлардан ўққа тутиб, Америка реактив самолётларидан иккитасини яксон қилдилар ва бештасига шикаст етказдилар. Сайгондаги ҳарбий вакилнинг айтишича, ана шу тунги жангларда Америка денгиз пиёда қўшинлари «катта талафот» кўрди.

ФРАНЦИЯ ТАШҚИ ИШЛАР МИНИСТРИ МОСКВАДА

Совет ҳукуматининг таклифига биноан Францияниинг таниқли давлат арбоби, Франция ташқи ишлар министри Морис Кув де Мюрвиль рафиқаси билан 28 октябрда Москвага расмий ташриф буюрди.

ГДРдан ХАТ

ЮКСАК ФАЗИЛАТ

Инсон болалигини ўйлаганда туғилиб ўсган шаҳар, қишлоғини эслайди. Аслида, озодликни ўйлаганда доҳийларимизни эслайди. Шу сингари, мен ҳам Ватанимиз ва унинг ўтмишини ўйлаганимда ота-оналарим, боболарим ёдимга тушади. Мен «Совет Ўзбекистони» газетаси саҳифаларида берилган она, сўнгра ота мадҳига бағишланган материалларни ўқиб жуда таъсирландим. Ота билан онани ҳар қанча улуғласак оз. Чунки бу улуғ зотлар биз, фарзандларини деб не-не қийинчиликларга дош беради. Мен мақолаларни ўқиб ўтириб, беихтиёр ўз ота-онамни, уларнинг ажиб қисматини эсладим.

Дастлаввал ота-онамнинг ота-оналари ҳақида эшитганларимни ёзмоқчиман. Бу ёзаётганларимнинг ҳаммаси ҳақиқат, бўлиб ўтган воқеалар. Отамнинг отаси революция йилларн вафот этганда, бева қолган онаси бир муллага турмушга чиқади. Мулла ўғай ўғли Рустамни (яъни менинг отамни) ёқтирмас, уни кўришни ҳам хоҳламасди. У «мен билан турадиган бўлсанг, ўғлингдан кеч» деб талаб қилади хотинидан. Ниҳоят бир куни эр-хотин ёш болани бозорга олиб бориб, адаштириб келадилар.

Етти-саккиз ёшлардаги гўдак очликдан, совуқдан титраб, қақшаб, қаёққа боришини билмай зор йиғлаб турганда, уни эр-хотин рус кишилари кўриб қолишади. Гўдакка раҳмлари келиб, уйларига олиб кетишади. Ювиб-тараб, ўзларига ўғил қилиб олишади ва унга Иван деб от қўйишади. Бу рус кишилари отамнинг иккинчи, ота-онаси бўлиб қоладилар. Улар отамни мактабга бериб ўқитишади. Ана шу меҳрибон рус кишилари ҳурмати учун бизларнинг паспортимизда Рустамович ўрнига Иванович деган табаррук ном ёзилган.

Отам комсомол сафига кириб, жоҳил қулоқларга қарши, маърифат учун янгича мактабларда ташвиқот олиб боради. Бир куни кўпчилик орасида нутқ сўзлаб турган пайтда отамни биринчи онаси таниб қолади. Ўртоқларининг маслаҳати билан, отам биринчи онасидан хабар олиб, моддий ёрдам бериб туради.

1945 йилда отам Ватан уруши фронтларида фашистларга қарши курашда ҳалок бўлди. Онам қайнонаси (бувим) билан чиқишолмай, бизларни Қаршига ўз туғилган қишлоғига олиб кетди. Шундан бери бувимиз дунёга бор-йўқлигини билмадик. У биздан хабар олмади ҳам.

Онамнинг онаси эса отамнинг онасига қараганда бутунлай бошқача аёл бўлган. У, 1922 йилда Қарши районида биринчилар қаторида жаҳолатга қарши чиқиб, паранжисини ўтга ташлаган. У хотин-қизлар орасида янгича турмуш учун ташвиқот юргизган. Уларни илм-маърифатга чақирган. Бундан ғазабланган босмачилар бу онани уруғи билан қириб ташламоқчи бўлишган. Зимзиё тун қўйнида ҳовлилардан бирида тўсатдан аланга кўтарилди. Босмачилардан қўрқиб, томларда ётган кишилар аланга чиққан томонга қараб, мудҳиш манзарани кўришди. Қаҳрланган босмачилар бувимни ва бошқа оила аъзоларини тутиб, қўл-оёқларини боғлаб гулханда ёқишаётган экан. Одамлар вахший босмачилардан чўчиб, яқин келишга ботинолмас эдилар. Ўша пайтда менинг онам чақалоқ бўлиб, белангача ётган экан, Босмачилар уни ҳам беланчакдан олиб, ўтга отишган. Чақалоқ гулханга тушмай, ариқчага думалаб кетади, тонггача ариқчада чириллаб йиғлаб ётади. Кўшни қиз бир илож қилиб чақалоқни олиб қочиб кетади, шу билан онамни ўлимдан қутқаради. Бу олижаноб аёл ҳозир Қаршида.

Шундан сўнг онам болалар уйида тарбияланади. Отам билан учрашганларидан сўнг, улар Тошкентда яшай бошлашади...

Отамнинг вафотидан сўнг онам бизларни қишлоғига олиб келганда, акам олти ёшда, мен тўрт ёшда, укам эса қўлида эканмиз.

Ёвуз уруш минглаб гўдаклар қатори бизни ҳам етим қолдириб кетди. Уруш туфайли тортган сарсонгарчиликларимиз сира ёдимиздан чиқмайди. Лекин, онам ҳар қандай қийинчиликка қарамай, бизга бутун меҳр-муҳаббатини бағишлади, бизни доимо иссиқ қучоғидан чиқармади. Онамнинг бизни ўстириш учун, соғлиғини ҳам аямай елиб-югурганини, тортган кулфатларини сира-сира унутмаймиз. Биз ҳам онамизни жондан севамиз, унга ҳамиша кўмаклашишга, уни сира хафа қилмасликка уринамиз.

Қийин кунлар ортда қолди. Меҳрибон онамиз тарбиясида ўсиб-улғайдик. Акам Пўлат Иванович Анваров Совет Армияси сафида хизматни ўтаб келди. Тошкент қишлоқ хўжалик институтига кириб ўқиди. Институтни битириб, ҳозир Қарши чўлларини обод қилишга ҳисса қўшяпти. У уйланган. Онам келинли бўлгани учун ҳурсанд. Келинини ҳам фарзандидай яхши кўради.

Мен ўнинчи синфни тугатиб, Тошкент музика билим юртида ўқидим. Билим юртини битириб, Қарши шаҳрида ишладим. Сўнг Тошкент даалат консерваториясининг бастакорлик бўлимига ўқишга киришга муяссар бўлдим. Укам эса ўн биринчи синфни битириб, Тошкент физкультура институтига ўқишга кирди. Сўнг у ҳам, мен ҳам армияга отландик.

Ҳозирги пайтда укам иккаламиз узоқ ГДРда Ватан олдидаги бурчимизни ado этяпмиз. Узмиз узоқда бўлсак ҳам, кўнглимиз ҳамиша меҳрибон онамиз билан бирга. Қалбда она меҳри билан ҳар қандай ғовларни енгиб, синовлардан ўтишга кучимиз етади. Чунки, онамиз бизни шундай ўстирган.

Гоҳо тенгқурларимиз билан оналар тўғрисида суҳбатлашиб қоламиз. Фарзандлар ҳам, оналар ҳам турлича бўларкан. Баъзан, ок сут берган онасини оддий хизматкор деб тушунадиган нодон ёшлар ҳам учраб қолади. Баъзилар эса тилда «мададкорим— онам дарман» сингари мукаддас сўзларни бемалол куйлайди-ю, дилда уларни заррача менсимайди. Бундай тенгқурларимизга оналаримизнинг улуғлигини тушунтириб қўйишга уринамиз. Ақлини ишлатганлари тушунади. Тушунмаганлари эса, онажони бир куни дунёдан кўз юмганда, аттанг деб, бошини тошга уришади.

Оналаримиз тириклигида уларнинг қадрига етайлик, уларни ардоқлаб, асрайлик, дўстларим. Шоир Мусо Жалил айтганидай:

Она!— қандай азиз, қандай улуғ ном,
Уни шарафлайлик, севайлик мудом!

Султон Иванович АНВАРОВ.

ЎЗБЕКИСТОН ОҲАНРАБОСИ

Меҳмондўстлик — ўзбек халқининг олижаноб фазилати. Халқимиз юртимизга келган ҳар бир меҳмонни иззат-икром билан кутиб олади, меҳмондўстлик қоидаларини ўрнига қўяди. Республикамизга эса дунёдаги турли мамлакатлардан: Ҳиндистон ва Афғонистондан, АҚШ ва Австралиядан, Мали ва Бирлашган Араб Республикасидан, Ирландия ва Франциядан, Чехословакия ва Жазоирдан, Куба ва Ливандан ҳамда бошқа кўп мамлакатлардан меҳмонлар келмоқда. Уларни ўзига тортаётган нарса — Ўзбекистон меҳнаткашларининг экономика, фан ва маданият соҳасида эришган ютуқларидир. Улар эркин мамлакат халқи қандай муваффақиятларга эришганлигини ўз кўзлари билан кўриш ва ишонч ҳосил қилиш учун келадилар.

Ўзбек халқи турли мамлакатлар вакилларини илиқ ва самимий кутиб олади. Меҳмонлар Ўзбекистоннинг қадимий шаҳарлари Самарқанд ва Бухоро, ўзбек пахтакорининг Ватани Фарғона водийсида бўладилар. Завод ва фабрикаларни, янги социалистик шаҳарларни бориб кўрадилар, ишчилар ва колхозчилар, олимлар, ёзувчилар, инженерлар, врачлар, артистлар, ўқитувчилар билан учрашадилар. Ижтимоий ишларда актив қатнашаётган Совет Ўзбекистони меҳнаткашларига ўз мамлакатларида тинчлик, дўстлик ва демократия учун ҳаракат тобора кучайиб бораётганлиги ҳақида ҳикоя қилиб берадилар.

Йиқинда Ўзбекистон жамоатчилигининг ҳинд тинчлик тарафдорлари билан бўлган учрашуви жуда илиқ ва самимий ўтди. «Ташкенткабель» заводида Ҳельсинкидаги тинчлик, миллий мустақиллик ва ялпи қуролсизланиш учун жаҳон Конгрессига кетаётган ҳинд делегацияси билан дўстлик кечаси бўлиб ўтди. Бу кеча чинакам байрамга айланиб кетди.

Ҳельсинкида Жаҳон конгресси ишлаб турган, кўплаб мамлакатларнинг вакиллари тинчлик проблемаларини қизғин муҳокама этаётган бир пайтда Чимён тоғидаги «Оби раҳмат» дам олиш уйида митинг ташкил этилди. Бу митингда Тошкентдаги олий ўқув юртларида билим олаётган чет эллик студентлар, республиканинг кўзга кўринган жамоат арбоблари, дам олиш учун келган ишчи ва хизматчилар, студентлар қатнашдилар. Митинг қатнашчилари миллий озодлик учун мардона кураш олиб бораётган Вьетнам халқи билан ҳайрихоҳ эканликларини яқиндилик билан билдиридилар. Бу — жаҳон тинчлик кенгаши президиумининг қарорига мувофиқ, қаҳрамон Вьетнам халқи билан ва халқаро бирдамлик ҳафтасида бўлиб ўтган кўплаб митинглардан бири эди. «Вьетнамдан қўлингни торт!» — бундай шиор ва хитоблари Тошкент, Самарқанд, Бекобод, Фарғона, Андижон ва бошқа шаҳарларда бўлиб ўтган митингларда кўриш ва эшитиш мумкин эди.

Республикамиз меҳнаткашларининг ташаббуси билан Вьетнам халқига ёрдам учун ихтиёрий равишда маблағ тўплаш бошланиб кетди. Касаба союзлари, хотин-қизлар, ёшлар ташкилотлари, саноат корхоналари, колхоз ва совхозлар, ўқув юртларида Вьетнам аҳолисига дори-дармонлар ва озиқ-овқат олиш ва юбориш учун анча миқдорда пул тўпланди.

Республикамиз олий ўқув юртларида билим олаётган чет эллик студентлар ажойиб ташаббусни бошлаб бердилар. Улар республикамиз колхоз ва совхозларида пахта йиғим-теримида қатнашиб, ишлаб топган пулларини Вьетнам халқига ёрдам учун юборишга қарор қилдилар.

Финляндиядаги конгресс ўз ишини тамомлагандан сўнг гўё Хельсинки руҳи Тошкентга кўчиб ўтгандай бўлди. 27 июль куни кечқурун Тошкент жамоатчилиги вакилларининг оммавий митинги бўлиб ўтди. Бу митингда чет эллик меҳмонлар — Латин Америкасидаги кўпгина мамлакатлар, АҚШ ва Австралиянинг Хельсинки форумига келган делегатлари иштирок этдилар.

Медицина фанлари доктори, Ленин мукофоти лауреати Р. Қ. Исломбеков, Октябрь революцияси номидаги тепловоз-вагон ремонти заводининг мастери С. Мирзааҳмедов, республика Фанлар академиясининг корреспондент аъзоси С. Х. Сирожиддинов, «Таштекстильмаш» заводи конструктори С. Нурматов шаҳар меҳнаткашларининг, бутун ўзбек халқининг фикр ва туйғуларини ифодаладилар. Улар Вьетнамда уруш олиб бораётган Америка агрессорлари ва уларнинг малайларини нафратладилар. Нотиқлар тинчлик тарафдорларининг тобора ўсиб, қудратли кучга айланиб бораётган ҳаракати янги жаҳон уруши олдини ёқувчиларни тийиб қўйишга ишонч билдирдилар. Улар Ўзбекистоннинг барча меҳнаткашлари номидан конгресс қарорларини қўллаб-қувватладилар.

Митингда Панама делегати Альберто Кальво ёркин ва қизғин нутқ сўзлади. У Латин Америкаси мамлакатларида миллий озодлик ҳаракати кескин авж олаётганлиги ҳақида гапириб, бу ҳаракат тинчлик учун кураш билан чамбарчас боғлиқ эканлигини таъкидлади.

Якдиллик билан қабул қилинган резолюцияда митинг қатнашчилари тинчлик, миллий мустақиллик ва ялпи қуролсизланиш учун Жаҳон конгресси қарорларини қизғин маъқуллаганлар.

Тинчликни ҳимоя қилиш Ўзбекистон республика комитети, унинг кўп сонли аъзолари митинглар ва йиғилишлар ташкил этиш, Ўзбек халқининг тинчлик учун, меҳнаткашларнинг бирдамлиги учун олиб бораётган кураши ҳақида ҳикоя қилувчи радио ва телешиттиришлар уюштириш соҳасида катта иш қилмоқда. Вьетнам, Латин Америкаси, Осиё ва Африка мамлакатларига бағишланган выставкалар ташкил қилмоқда. Бу выставкалар дунёдаги кўплаб мамлакатлар халқларининг тинчлик ва бирдамлик учун олиб бораётган курашлари ҳақида ҳикоя қилади.

Республикамизга келган ҳар бир меҳмон Ўзбек халқининг ҳаёти билан, унинг ижодий меҳнати, турмуши билан яқиндан танишади ва Ўзбекистон меҳнаткашларининг тинчлик ишига ўз ҳиссаларини қўшаётганликларига қаноат ҳосил қила олади.

А. АЗИМОВ,
Тинчликни ҳимоя қилиш Ўзбекистон республика комитетининг масъул секретари.

ФУТБОЛ

СОВРИН ЛЕНИНГРАДЛИКЛАРДА

Пойтахтимиздаги «Пахтакор» стадионида «Умид» кубоги учун Ўзбекистон, Украина, Молдавия ва Ленинград командалари ўртасида ўтказилган финал учрашувлар тугади. Мусобақанинг биринчи кунида ленинградликларга 1:2 ҳисобида ютқазиб қўйган ҳамшаҳарларимиз ўтган куни Молдавия терма командасини 2:1 ҳисобида енгиб учинчи ўринга чиқди ва кичик бронза медалини олишга муваффақ бўлди. Финалда эса Ленинград ва Украина командалари учрашди. Бу рақиблар ўртасидаги учрашув жуда кескин ва қизиқарли ўтди. Ленинградликлар рақиблари финалга чиққунча мадда-ияликлар билан такрор учрашув ўтказиб чарчаб қолганликларини ҳисобга олиб жуда юқори суръат таклиф этишди. Украин футболчилари ҳам бўш келишмади. Аммо ташаббус ленинградликларда эди. Улар бу устунликдан фойдаланиб, тўп киритдилар. Украина командасини 1:0 ҳисобида енгган Ленинград терма командаси ғолиб ўғаси бўлди.

Республикамиз футболчилари биринчи куни жуда ёмон ўйнадилар. Тўғри, тўхтовсиз ёғиб турган ёмғир ўйинчиларга бутун имкониятларини ишга солишга йўл бермади. Дарвозабон А. Орешкининг қўпол хатоси командамизга қимматга тушди. Молдавия командаси билан бўлган иккинчи учрашувда эса тошкентликлар бирмунча яхши ўйнашди. Аввал ярим ҳимоячи бўлиб майдонга тушган Турғунов бу сафар ҳақиқат ҳужумчи ўрнини эгаллади. Новиков ҳам аввалгидан яхши ўйнади. У ҳар иккала тўпни боши билан киритиб ишқибозлар олқишига сазовор бўлди.

Ўзбекистон ЛКСМ Марказий Комитетининг энг яхши техник тайёргарлик кўрган команда учун таъсис этган кубоги Ўзбекистон командасига берилди.

Голиб команда — Ленинград футболчилари фахрий ёрлиқлар, кичик олтин медаллар билан тақдирланди. Украиналиклар эса иккинчи даражали диплом ва кичик кумуш медаллар олди. Ўзбекистон командаси ўйинчиларига учинчи даражали диплом ва кичик бронза медаллари берилди.

Ш. УМРЗОҚОВ.

А. И. МАЪРУФОВ



Республикада хизмат кўрсатган врач, медицина фанлари доктори, профессор, Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган фан арбоби Асадулла Икромович Маъруфов оғир касалликдан сўнг вафот этди.

А. И. Маъруфов 1910 йилда Тошкент медицина институтининг даволаш факультетини битирганидан сўнг паталогик анатомия кафедрасида аспирант қилиб қолдирилди. Ўша вақтдан буён то сўнгги кунгача (Улуғ Ватан уруши йилларида Совет армияси сафида хизмат қилган вақтдан ташқари) Тошкент медицина институтида, Самарқанд медицина институтида ва яна Тошкентда ишлади.

А. И. Маъруфов врачлар, илмий ва илмий педагогик кадрлар тайёрлаш ишига катта ҳисса қўшди. У 80 дан ортиқ илмий асар, шу жумладан учта монография ҳамда олий медицина ўқув юртлари студентлари учун паталогик анатомия бўйича амалий машғулотларга тааллуқли бир дарслик яратди.

Асадулла Икромовичнинг кўпдан-кўп дўстлари, шогирдлари ва ҳамкасаба ўртоқлари уни сезгир, меҳрибон ўртоқ, қобилиятли раҳбар, ажойиб лектор ва педагог эди деб биладилар. У студентларни тарбиялашга кўп эътибор берар, шунинг учун ҳам студентларнинг катта ҳурматига сазовор бўлган эди.

Совет ҳукумати А. И. Маъруфовнинг хизматларига юксак баҳо берди. У «Шавкатли меҳнати учун» медали, Ўзбекистон ССР Олий Советининг Фахрий Ёрлиғи билан мукофотланган, унга хизмат кўрсатган фан арбоби ва Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган врач унвони берилган.

Асадулла Икромович Маъруфовнинг порлоқ хотираси совет врачларининг бир авлоди учун ҳамиша Ватанга садоқат билан хизмат қилиш намунаси бўлиб қолади.

Ўзбекистон ССР Соғлиқни сақлаш министрлиги, Тошкент, Самарқанд ва Андижон медицина институтлари, Тошкент врачлар малакасини ошириш институти, СССР Медицина фанлари академияси ўлка медицина институти, республика паталогия-анатомия жамияти.

Редактор
М. ҚОРИЕВ.

Реклама ва эълонлар

* ТЕЛЕВИДЕНИЕ

30 ОКТЯБРДА

БИРИНЧИ ПРОГРАММА

Рус тилида: 17.00 — **Бақача отасини излайди** (мультфильм). 17.15 — **Реклама ва эълонлар.** 17.25 — **Оғриққа қарши кураш. Олижаноб миссия** (кинофильмлар). 17.55 — **Оперетталардан парчалар.**

18.35 — **Телевизион янгиликлар** (ўзбек, рус тилларида).

Ўзбек тилида: 19.00 — **Ойнадан ўпкалама.**

Рус тилида: 19.50 — **6—6 квадратида** (катталар учун мультфильм). 20.00 — **Чет эл кинохроникаси** ва **Бир севги қиссаси** номли бадиий фильм.

21.30 — **Эшиттиришлар программаси.**

Ўзбек тилида: 21.35 — **Қувноқ нуйлар ва ҳангомалар.**

* ТЕАТР

НАВОИЙ НОМЛИ ТЕАТРДА — 30/X да **Богчасарой фонтани**, 31/X да кундуз **Демон**, кечқуруи **Дилором.**

ҲАМЗА НОМЛИ ТЕАТРДА — 30/X да **Қонли сароб**, 31/X да кундуз **Биринчи муҳаббат**, кечқуруи **Сарвқомат дилбарим.** Спектакль кеч соат 7 да бошланади.

МУҚИМИЙ НОМЛИ ТЕАТРДА — 1965/66 йил мавсумининг очилиши — 30/X да **Гули сиёҳ**, 31/X да **Тошболта ошиқ.**

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ЦИРКИДА — **Грузин цирки артистларининг гастроли.**

* КИНО

Қора бахмал — «МИР» (кундуз ва кечқуруи), «ЮЛДУЗ» (кундуз соат 5, кеч 7 ва 9 да).

Ер айланасида саёҳат — НАВОИЙ номли, «ЕШ ГВАРДИЯ», «МОСКВА» (кундуз ва кечқуруи).

Эшик тутқичли комедия — «ЎЗБЕКИСТОН», «ИСКРА», «ДЎСТЛИК» (2-залда), «ВОСТОК» (кундуз ва кечқуруи). САНЪАТ САРОЙИ (эрталаб соат 11, кундуз 3 ва кеч 7 яримда).

Бева-келинлар — «ЎЗБЕКИСТОН 25 ЙИЛЛИГИ», «КОМСОМОЛ 30 ЙИЛЛИГИ» (кундуз ва кечқуруи), «ЧАЙКА» (кундуз соат 5 дан), САНЪАТ САРОЙИ (кундуз 1 ярим, 5 ярим ва кеч 9 яримда), «СПУТНИК» (жуфт соатларда).

Павел Корчагин (эрталаб соат 10 да), **Гирдоб** (кундуз ва кечқуруи) — СОБИР РАҲИМОВ номли.

Ёш гвардия (эрталаб соат 10 да), **Қара, йўл кўринади** (кеч 6-40 минутда ўзбек тилида) — НАВОИЙ номли.

Еттидан ўн иккигача (эрталаб соат 10 ва 11-40 минутда). **Қайдасан, Максим?** (кундуз 1-20 минутда) — «ЕШ ГВАРДИЯ».

Бомбай қизи — «МОСКВА» (кундуз соат 2 ва кеч 6 да), «СПУТНИК» (тоқ соатларда).

Қайсарлар (эрталаб соат 10 да), **Лимонадли Джо** (кундуз 5 гача) — «ЧАЙКА».

Чапақай — «ДРУЖБА» (кундуз ва кечқуруи 1-залда).

Яширин жаннат — «КОМСОМОЛ 30 ЙИЛЛИГИ» (эрталаб соат 10 да).

ҚУҚОН ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИНИ МЕХАНИЗАЦИЯЛАШ ВА ЭЛЕКТРЛАШТИРИШ ТЕХНИКУМИ

СИРТҚИ БЎЛИМЛАРГА

1966 ўқув йили учун

ЎҚУВЧИЛАР

ҚАБУЛ ҚИЛИШНИ ДАВОМ ЭТТИРАДИ

Техникум қишлоқ хўжалиги учун **механик-техниклар** ва **электрик-техниклар** етиштиради.

Ўқиш муддати: 7, 8, 9-синф ҳажмида маълумоти бўлганлар учун — 5 йил, 10, 11-синфни тамомлаганлар учун 3 йил.

Аризалар 1966 йил 10 январгача қабул қилинади.

7-синф ҳажмида маълумотлилар: рус тилидан (диктант) математикадан (ёзма ва оғзаки), ўрта маълумоти бўлганлар: она тилидан (иншо), математикадан (ёзма ва оғзаки) имтиҳон топширадилар.

Мурожаат учун адрес: Қўқон шаҳар, Максим Горький кўчаси. Телефон 35-23.

«СОВЕТСКИЙ КРАСНЫЙ КРЕСТ»

ЖУРНАЛИГА

ОБУНА ҚИЛИШ ДАВОМ ЭТАДИ

Обуна «Союзпечать» бўлимларида, алоқа бўлимларида, шунингдек жамоатчи обуна тарқатувчилар томонидан чекланмаган ҳолда қабул қилинади.

Обуна баҳоси: бир йилга — 1 сўм 50 тийин.

ҲАМЗА НОМЛИ ЛЕНИН ОРДЕНЛИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ АКАДЕМИК ДРАМА ТЕАТРИДА

ТЕЗ КУНДА

ЯНГИ СПЕКТАКЛЬ

Моримото Каору асари

Ўғирланган умр

3 пардали драма.

А. Абдуллаев таржимаси.

Режиссёр — Ўзбекистон ССР халқ артисти **Т. Хўжаев**, рассом — Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган санъат арбоби **Г. А. Визель.**

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ЦИРКИДА

мактаб ўқувчиларининг қишки кунларида

Грузин цирки артистларининг иштироки билан

болалар томошалари

4, 5, 6, 9, 10/XI да кундуз соат 12, 7/XI да кундуз соат 12 ва 4 яримда, 8/XI да кундуз соат 12 ва 3 да бошланади.

Билетлар сотилмоқда.

ТОШКЕНТ КАНОП ФАБРИКАСИ

лентточница, съёмчи, йиғирувчи, моталчи, тўқувчи касбларига ўргатиш учун

17 ёшдан тортиб

хотин-қизлар

ҚАБУЛ ҚИЛАДИ

Ўқиш муддати 2-4 ой. Ўқиш даврида стипендия тўланади ва кейинчалик икки дам олиш куни бўлган икки сменали ишбайга кўчириладилар.

Ёлғиз кишилар ётоқ билан таъминланади.

Ленин район, Полторацкий кўчаси, Крупская тупик, 8-уй. да кадрлар бўлимига мурожаат қилинсин (1, 5, 8, 9, 12-трамвай, 1, 5, 9-троллейбуснинг «Полторацкий кўчаси» остановкаси).

Диссертация ёқлайдилар

1965 йил 10 ноябрь кундуз соат 2 да, Тошкент давлат медицина институтининг илмий совети мажлисида (акт зали)

И. З. Зокиров — медицина фанлари доктори деган илмий даражани олиш учун: «Ҳомиладорлик, туғруқ, ҳомила ва янги туғилган болага Боткин касаллигининг таъсири» деган темада.

Диссертация билан институт кутубхонасида танишиш мумкин.

1965 йил 10 ноябрь кундуз соат 2 да, Ўзбекистон ССР Фанлар академиясн кимиё-технология ва биология фанлари бўлимининг кимиё фанлари бўйича биргашган илмий совети мажлисида (Куйбишев кўчаси, 14-уй, кимиё институтлари кутубхонаси):

М. А. Кученкова — кимиё фанлари кандидати деган илмий даражани олиш учун: «Сурхондарё областида ўсадиган «Визика эректа Ргп. шмалх» ўсимлигининг ер устки қисми алкалоидларини тенширш ва винэрвининг тузилиши» деган темада.

П. П. Байбородов — техника фанлари кандидати деган илмий даражани олиш учун: «Гидрометаллургия методи билан мишьякни сурмадан ажратиш процессини текшириш» деган темада.

Диссертациялар билан Фанлар академияси кутубхонасида танишиш мумкин (А. Тўқаев кўчаси, 1-уй).

«ПРОМТЕХМОНТАЖ» ЧИРЧИК МОНТАЖ БОШҚАРМАСИГА

металл конструкциялар, йиғма темир-бетон, технологик ускуна, трубопроводларни монтаж қилувчи слесарлар

КЕРАК

Ёлғиз кишилар ётоқ билан таъминланади.

Адрес: Чирчиқ шаҳар, Вокзальная кўчаси, 2-уй.

Ўзбекистон ССР Соғлиқни сақлаш министрлиги, Академик И. П. Павлов номли Самарқанд медицина институти Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган врач ва хизмат кўрсатган фан арбоби, патологик анатомия кафедрасининг профессори

Асадулла Икромович МАЪРУФОВНИНГ

вафот этганлигини чуқур қайғу билан билдириб, марҳумнинг оиласига таъзия изҳор қиладилар.

БИЗНИНГ АДРЕСИМИЗ: «ПРАВДА ВОСТОКА» КЎЧАСИ, № 26.

РЕДАКЦИЯ ТЕЛЕФОНЛАРИ: Редактор—26545. Редактор ўринбосарлари — 27914, 29323. Масъул секретарь — 34455. Масъул секретарь ўринбосарлари—27283. Партия турмуши—33469, 27221. Марксча-ленинча назарияни пропаганда қилиш ва халқаро ҳаёт — 31226. Коммунистик тарбия — 31455. Саноат, қурилиш ва транспорт — 34780. Совет қурилиши — 33258. Қишлоқ хўжалиги — 27604. Адабиёт ва санъат — 32036, 27221. Фан, мактаб ва олий ўқув юртлари — 34451. Маҳаллий ахборот — 32347. Оммавий ишлар ва хатлар — 29005, 33553. Иллюстрация — 34524. Стенографистка — 27343. Эълонлар — 28142. Коммутатор — 30249, 30250, 30251, 30252, 30253, 30254, 30255, 30256, 30257, 30258.

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети Бирлашган нашриётининг босмахонаси. Тошкент шаҳри.

№ В. 255. ИНДЕКС 64543. Р. 10235